БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 56 (16.139) • 7 март 1975 йил, жума • Баҳоси 2 тийин

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЯНГИЕР РАЙОНИНИНГ НОМИНИ ЎЗГАРТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Меҳнаткашлар депутатлари Сирдарё область Совети ижроия комитетининг илтимоси қондирилсин — Янгиер районига Ховос райони деб ном берилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1975 йил, 6 март.
Тошкент шаҳри.

БУХОРО ОБЛАСТИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИНИНГ 1975 ЙИЛГИ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

ПАХТА — 510 минг тонна.

ДОН — 122 минг тонна.

КАРТОШКА, САБЗАВОТ ВА ПОЛИЗ — 120,7 минг тонна.

МЕВА ВА УЗУМ — 35,6 минг тонна.

ГУШТ — 29 минг тонна.

СУТ — 48 минг тонна.

ТУХУМ — 85 миллион дона.

Жун — 6220 тонна.

ПИЛЛА — 2900 тонна.

ДЕҲҚОН БАҲОРИ ЧОРЛАЙДИ



ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ. Ўлкамизда баҳор нафаси кезмоқда. Омилкор деҳқонлар наврўз фаслини ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрган ҳолда қарши олдилар. Кўкламнинг дастлабки кунларидаёқ республикамиз жанубида деҳқончилик юмушлари қизғин бошланиб кетди. Қарши районидаги Энгельс номли колхоз ғаллакорлари областда биринчи бўлиб баҳорги дон экишни бошладилар. Ўзаро социалистик мусобақага қўшилган ғаллакорлар кўкламги экишмавсумининг дастлабки кунлариданоқ юқори натижаларга эришмоқдалар. Суратларда: (чапдан ўнгга). 1. Ғаллачилик бригадасининг бошлиғи Амин Усмонов ва агроном Баҳор Худойбердиев ўртоқлар уруғлик донни кўздан кечирмоқдалар. 2. Колхоз далаларида баҳорги дон экиш қизғин бормоқда.

Н. Содиқов фотоси, (ЎзТАГ).

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАР КОММУНИСТИК ВА ИШЧИ ПАРТИЯЛАРИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТЛАРИ СЕКРЕТАРЛАРИНИНГ КЕНГАШИ

4—5 март кунлари Прагада социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари Марказий Комитетлари секретарларининг кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш ишида: Болгария Коммунистик партиясидан — БКП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари А. Лилов, БКП Марказий Комитети секретари К. Ґеллалов; Венгрия Социалистик ишчи партиясидан ВСИП Марказий Комитети секретари М. Овари; Германия Бирлашган социалистик партиясидан — ГБСП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзолари, Марказий Комитет секретарлари К. Хагер, Г. Аксен, В. Ламберц; Куба Коммунистик партиясидан — Куба Компартияси Марказий Комитети секретариатининг аъзоси А. Перес; Монголия Халқ революцион партиясидан— МХРП Марказий Комитети секретари Д. Чимиддорж; Польша Бирлашган ишчи партиясидан — ПБИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет секретари Я. Шидляк, ПБИП Марказий Комитети секретари Е. Лукашевич, ПБИП Марказий Комитети секретариатининг аъзоси Р. Фрелек; Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Марказий Комитетининг секретари Б. Н. Пономарев, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев; Чехословакия Коммунистик партиясидан — ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, Марказий Комитет секретари В. Биляк, ЧКП Марказий Комитети секретарлари Я. Фойтик, О. Швестка қатнашдилар. Кенгашга Руминия Коммунистик партиясидан РКП Марказий Комитети аъзоси Т. Маринеску вакил бўлиб келди.

Кенгаш ишида тегишли қардош партиялар Марказий Комитетлари халқаро ва идеология бўлимларининг мудирлари, мудир ўринбосарлари, масъул ходимлари ҳам иштирок этдилар.

Кенгашни ЧКП Марказий Комитети Президиуми аъзоси, Марказий Комитет секретари В. Биляк очди. Кенгашда: БКПдан А. Лилов, ВСИПдан — М. Овари, ГБСПдан К. Хагер, Куба Компартиясидан — А. Перес, МХРПдан — Г. Чимиддорж, ПБИПдан — Я. Шидляк, РКПдан — Т. Маринеску, КПССдан — Б. Н. Пономарёв, ЧКПдан — В. Биляк сўзга чиқдилар.

Кенгаш иштирокчилари қардош партиялар Марказий Комитетлари халқаро ва идеология масалалари билан шуғулланувчи секретарларининг илгариги (1973 йил декабрь ойида Москвадаги) учрашувидан кейин шу соҳада икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш йўлида катта ишлар қилинганлигини мамнуният билан таъкидлаб ўтдилар. Улар ўз партияларининг фаолияти, тажрибаларини ўртоқлашдилар ва ҳозирги халқаро вазиятда идеологик ҳамкорликнинг йўналишларини муҳокама қилдилар.

Кенгашда социалистик давлатларнинг кескинликни юмшатишни кучайтириш ва унга муқаррар тус бериш, социал тузумларидан қатъий назар давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципларини халқаро муносабатларда қарор топдиришдан иборат ташқи сиёсати тўғрисида халқаро жамоатчиликни хабардор қилиб туриш катта аҳамиятга эга эканлиги ўқтириб ўтилди.

Гитлерчилар фашизми ва япон милитаризми устидан қозонилган ғалабанинг 30 йиллигини байрам қилиш тўғрисидаги масалани муҳокама этиш кенгаш ишида муҳим ўринлардан бирини эгаллади. Бу ғалаба Европада ва бутун дунёда урушдан кейинги ривожланишнинг боришига ғоят катта таъсир ўтказган ва оламшумул тарихий аҳамиятга эга бўлган воқеа эканлиги уқтириб ўтилди. Кишиларнинг янги авлоди ўсиб етишган ҳозирги вақтда иккинчи жаҳон урушининг моҳияти ва характери тўғрисидаги ҳақиқат гапларни ёшларга етказиш, бу урушда қатнашган давлатларнинг ролини, турли сиёсий кучларнинг тутган позициясини соҳталаштириш йўлидаги ҳар қандай уринишларни рад этиш айниқса муҳим ишдир.

Ғоят кенг жамоатчилик доиралари тарихий фактлар билан таништирилиши, уруш сабоқларини тўла равишда тушуниб ета олиши керак. Фашизмни тор-мор этишда биринчи социалистик давлатнинг ҳал қилувчи роль ўйнаганлиги, совет халқи ва унинг армиясининг ғоят буюк жасорати, коммунистлар бошчилик қилган мардонавор подпольє кураши, қаршилик кўрсатиш ҳаракати, халқ озодлик кучларининг жанговар ҳаракатлари, гитлеризмга қарши коалицияга қўшилган, ижтимоий тузумлари турлича бўлган давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик тажрибаси, фашизмни тормор этишнинг асосий оқибатлари ва халқлар революцион-озодлик курашининг юксалишини — мана шу барча омилларни чуқур очиб бериш ғалабанинг 30 йиллиги муносабати билан қардош партияларнинг идеология ишлари соҳасидаги муҳим ва фахрли вазифасидир.

Кенгаш иштирокчилари Варшава Шартномаси ташкилотининг 20 йиллиги байрами билан, коммунистик ва ишчи партияларнинг навбатдаги съездлари билан, шунингдек халқаро ҳотин-қизлар йили билан боғлиқ тадбирлар яқин келажакда қардош партияларнинг идеология соҳасидаги фоалиятида катта ўринни эгаллашини ҳам уқтириб ўтдилар. Хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари юзасидан давлатлар умумий Европа кенгашининг якунловчи босқичи каби халқаро ҳаётдаги йирик воқеани ёритишга катта эътибор бериш зарур. Европа коммунистик ва ишчи партияларининг ҳозир чақирилишга тайёргарлик қурилаётган конференцияси томонидан илгари суриладиган ғоялар ва ҳулосаларни кенг жамоатчиликка етказиш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Кенгашда жаҳон тараққиётининг актуал проблемаларини тадқиқ этишда, ижтимоий фанлар соҳасида йирик асарлар яратишда социалистик мамлакатлар олимлари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик фойдали эканлиги уқтириб ўтилди. Қардош партиялар Марказий Комитетларининг секретарлари социализм назарияси ва практикасига, янги типдаги халқаро муносабатларга ва бошқа энг муҳим масалаларга доир тадқиқотларни кенгайтириш юзасидан конкрет тадбирларни келишиб олдилар. Ҳозирги давлат-монополистик капитализмининг барча соҳаларини қамраб олган чуқур кризиснинг сабабларини, характерини ва оқибатларини ўрганиш зарурлигига эътибор берилди.

Ишчанлик, ўртоқлик вазиятида ўтган кенгаш қардош партиялар ва мамлакатлар ўртасида ўзаро ва кўп томонлама идеологик ҳамкорликнинг самарали эканлигини, марксизм-ленинизм ва социалистик интернационализм асосида қардош партиялар ва мамлакатлар бирлигини янада мустаҳкамлаш учун, буржуа идеологиясининг турли шаклларига қарши, оппортунизмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши муваффақиятли курашиш учун, социалистик мамлакатларнинг ютуқларини кенг пропаганда қилиш учун идеологик ҳамкорликнинг аҳамияти тобора ошиб бораётганлигини тасдиқлади.

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ИОРДАНИЯДА БЎЛИШИ

АММОН, 6 март. (ТАСС). Иордания миллат мажлисининг таклифига биноан бу ерга визит билан келган СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов бошлигидаги СССР Олий Совети делегацияси мамлакат билан танишиб чиқишни давом эттирмоқда.

Совет Иттифоқининг намояндалари Иордания университетини ва қирол Ҳусайн номидаги медицина комплексини бориб кўрдилар, миллий радио ва телевидение ходимлари ҳузурида бўлдилар.

Иордания—Совет дўстлиги жамияти чоршанба куни делегация шарафига қабул маросими ўтказди. Жамият президенти Р. Ода совет парламенти аъзоларини табриклаб, араб халқларининг Исроил агрессияси оқибатларини тугатиш ва Фаластин проблемасини адолатли ҳал этиш йўлида олиб бораётган курашини ҳамиша қўллаб-қувватлаётганлиги учун Совет Иттифоқига чуқур миннатдорчилик изҳор қилди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОСТАВИДА ЯНГИ РАЙОНЛАР ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш истиқболларини ҳисобга олиб ва халқ хўжалигига раҳбарликни янада кучайтириш, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади.**

Меҳнаткашлар депутатлари Қашқадарё ва Сурхондарё область советлари ижроия комитетларининг илтимослари қондирилсин — қуйидаги районлар ташкил этилсин:

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИДА

Нишон райони — маркази Янги Нишон шаҳар посёлкаси.

Қарши районидаги Янги Нишон, Таллимаржон шаҳар посёлкалари, Нишон, Пахтазор қишлоқлари территорияси ва Бешкент қишлоғи (СССР 50 йиллиги номли совхоз фойдаланаётган ерлар чегарасида) территориясининг бир қисми, шунингдек Ульянов районидаги Қовчун қишлоғи территорияси Нишон райони составига ўтказилсин.

СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИДА

Ленин Йўли райони — маркази Янгийўл аҳоли пункти.

Шеробод районидаги Пахтакор, Янгиҳаёт, Янгийўл қишлоқларининг территорияси ва Жарқўрғон районидаги Сурхон қишлоғи (Бандихон боғдорчилик-узумчилик хўжалиги фойдаланаётган ерлар чегарасида) территориясининг бир қисми Ленин Йўли райони составига ўтказилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1975 йил, 6 март.
Тошкент шаҳри.

ЗАРБДОРЛАРНИ ТАНИШТИРАМИЗ

ИНСОН ИЗИ

Ярим кеча. Байналмилал кўчасидаги уйларнинг бирида ҳамон чироқ милтиллайди. Ўрта бўйли, қотмадан келган 45 ёшлар чамасидаги кишининг кўзи қўлидаги хатда:

«Меҳрибон отажон, — дейилганди мактубда, — бугун радиодан сизнинг ажойиб меҳнат зафарингиз ҳақида эшитиб қолдик. Қуроллдош дўстларим келиб бир-бир кўлимни қисиб табриклашди. Мен бундан ҳам фахрландим, ҳам ўнғайсизландим. Нега десангиз, сиздай илғор ишчининг ўғли бўлиш менга бир томондан ҳузур бағишласа, иккинчи томондан ҳалигача сизга муноиб дурустроқ иш кўрсатмаганимдан уялиб кетдим.

Отажон, дўстларим сиз ҳақингизда, бригадангизнинг ишлари тўғрисида кўпроқ билишни истайдилар...».

Анатолий Афанасьевич ўйланиб қолди. Табиатан камтар, камгап бўлса нимани ёзади? Ўғлига: «оддий меҳнатимни юксак қадрлаб, кўкларга кўтаришяпти», — деб мақтансинми? Ийғ-е, қандай бўларкин? Лекин жавоб ёзиш керак. Жигарпораси кутяпти.

«Тунов куни бошқармага чақириб қолишди, — деб ёза бошлади ота. — Гап бундай, ўртоқ Кабанов ,сизни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюроси мажлисига таклиф қилишяпти, дейишди. Ўз тажрибаларингиз, режаларингиз ҳақида гапириб берасиз.

Тайинланган пайтда бордим. Қарасам яна етти нафар одам. Ўзим сингари оддий ишчилар йиғилишган экан. Мен бу кунни асло унутмайман. Индинига газеталарда: «Бу ишчилар бир беш йилликда икки беш йиллик планни бажардилар, бир йилда икки йиллик планни адо этдилар. Бошқаларга икки кун талаб қилинган ишни бир кунда бажардилар... Улар ўз меҳнат жасоратининг ҳар бир кунида, ҳар бир соатида бундай ютуқларга якка қаҳрамонларгина эмас, балки маҳорат сирини ҳалол меҳнати билан эгаллаган, иш вақтини тежаган, хом ашё ва материалларни авайлаб асраган, малакасини оширган ҳар бир киши эришиши мумкин эканлигини исбот қилдилар», — деб ёзишди.

Ўғлим, гапнинг очиғи, ишда бизни мақташсин, мукофотлашсин, деб меҳнат қилмаймиз, балки Ватанимиз янада қудратли бўлсин, турмушимиз фаровонлашиб, одамлар тўқ-бадавлат яшасин, ўзимиздан арзигулик из қолсин, деб ҳалол ишлаймиз. План-топшириқларни муддатидан олдин ва бир неча баробар ошириб бажариш учун ҳаракат қиламиз.

Ўзинг биласан (ҳарбий хизматга қадар сен ҳам бригадамизда ишлагансан-ку), ҳозир ҳам биз паркет поллар қоқамиз, алюминдан тайёрланган пардоз буюмларни ўрнатамиз, эшик-деразаларнинг четларига ишлов берамиз. Бу жараёнларнинг нақадар майда иш эканлигини яхши тасаввур қиласан. Биз тезроқ битира қолайлик, деб шошмаймиз ёки «эгасига етгунча» қабилида иш тутмаймиз. Ҳар сафар янги объект пардозига киришишдан олдин маслаҳатлашамиз. Ҳар биримиз ўз жойимизни аниқ белгилаб олиб, қилинадиган ишларни тезроқ, сифатлироқ уддалаш лозимлиги ҳақида фикрлашамиз, Самарали йўлларни излаймиз.

Сифат масаласи биринчи ўринга қўйилаётган шу кунларда ҳар бир ишчи, ҳар бир бинокор ўз малакасини тинмай ошириш устида жиддий ўйлаши лозим. Бўлмаса зиммасидаги топшириқни бажаролмайди, узоққа боролмайди. Шунинг учун ҳам бригадамиздагиларнинг кўпчилиги ўқияпти. Масалан, Владимир Радин қурилиш техникумида, Алик Ўроэмуродов ва Владимир Токарев политехника институтининг кечки ва сиртқи бўлимларининг студентлари. Ринат Зиёвуддинов эса олий ўқув юртига киришга тайёргарлик кўраётир. Ўзим-чи? Техника адабиётларини ўқиб ўрганишим, энг яхши иш усулларини ўзлаштириб олишим учун бошқа коллективларнинг тажрибасини мунтазам кузатиб боришим керак. Шу мақсадда мусобақадошим Борис Борковский бригадасига тез-тез бориб, янгиликларни билиб келаман. Илғор тажрибалар орттирилган бўлса ўзимизда тадбиқ этамиз. Улар ҳам шундай...».

Анатолий Афанасьевич шу ерга келганда бир оз тин олди. Деразага қаради. Осмонда катта-кичик юлдузлар милт-милт жилваланади. «Демак, эртага ҳаво очиқ бўлади. Қурилишда иш тезлашади...». Хўш, хатда яна нималари битса экан? У шу фикрда бригада аъзоларининг юксак онглилиги ва интизоми ҳақида ҳам ёзди. Коллективда анчадан бери «брак», «нормани бажармади» сўзларини ишлатишга ҳожат қолмаганини, ҳаммаси бир оиланинг фарзандларидай ишлаётганини хабар қилди.

Ҳа, Валера отасининг бугунгача босиб ўтган шонли йўлини яхши билади. Тўғрироғи, кўпини эшитган. Асли белоруссиялик бўлган Кабанов ўғлига Улуғ Ватан уруши йилларида ота-онасидан етим қолиб, болалар уйида тарбиялангани, 14 ёшида Тошкентга келгани ҳақида кўп ҳикоя қилган. У жуда ёшлигиданоқ ҳақиқий бахт пешона тери эвазига келишини англади. Армиядан қайтгач, қалб амри ва ёшлик романтикаси уни ўша пайтнинг энг катта иншоотларидан бири Абакан-Новокузнецк темир йўли қурилишига бошлади. Қурилиш битгач, 1960 йилда Тошкентга қайтиб келди. «Главташкентстрой»га қарашли «Отделстрой» трестининг 28-қурилиш бошқармасида паркетчи дурадгор. Чилонзордаги бир қанча мактаб, болалар боғчалари бинолари қурилишида унинг ҳиссаси бор. Пойтахтимиз ҳуснигаҳусн қўшиб турган кўп қаватли қатор маъмурий биноларда қўл излари қолган.

...Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюроси мажлисида берган ваъдаси республикамизнинг бошқа донгдор ишчилари сингари А. А. Кабановнинг ҳам масъулиятини ошириб юборди. У шу кунларда Кооператорлар уйи қурилишида янада зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқда.

Э. ХЎЖАЕВ.

Суратда: А. А. Кабанов (чапдан биринчи) бригада аъзолари билан бирга.
И. Глэуберзон фотоси.

ЖОНАЖОН ПАРТИЯГА РАҲМАТ!

Халқаро хотин-қизлар куни арафасида, 6 март куни Тошкентдаги А. Навоий номли театрда ана шу улкан ва қувончли байрамга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Донгдор меҳнатчи хотин-қизлар, партия, совет, жамоат ташкилотларининг вакиллари бу ерга келишди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг ўринбосари Х. Е. Ёқубжонова очади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан йиғилишнинг фахрий президиумга сайланади.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Ҳ. Абдуллаева доклад қилди.

1918 йилдан КПСС аъзоси Е. Г. Самойленко, собиқ тўқувчи, ҳозирда эса йирик савдо муассасасининг раҳбари Б. Ш. Болтабоева, Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси Тошкенддаги 115-мактаб ўқитувчиси М. М. Самадова, Бухоро области Ғиждувон районидаги «Гулистон» колхозининг бригада бошлиғи, КПСС XXIV съездининг делегати, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги механизатори А. Ҳамроева, Тошкент медицина институтининг студенти Х. Шукурова хотин-қизлар тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётганлиги учун жонажон партияга самимий миннатдорчилик изҳор қилдилар. Нотиқлар халқаро хотин-қизлар йилида ўтказилаётган бу байрам партия Марказий Комитети 1974 йил декабрь Пленумининг қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаати туфайли сиёсий активлик ва меҳнат ғайрати ғоят жўш урган бир вазиятда нишонланаётганлиги ҳақида ифтихор билан гапирдилар.

Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг директори В. Н. Сивец, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги А. М. Акромхўжаев, В. И. Ленин номли Тошкент олий умумқўшин командирлари билим юртининг курсанти В. А. Тихомиров хотин-қизларни самимий табриклдилар.

Йиғилиш қатнашчиларини болалар самимий табрикладилар.

Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитетига, ўртоқ Л. И. Брежневга табрикнома йўлладилар.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, З. Г. Ломоносов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, А. А. Хўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари И. В. Марцинюк, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев иштирок этдилар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика халқ маорифи системаси ва совет органларида узоқ йиллар самарали ишлаганлиги учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Ишлар мудирлиги халқ маорифи бўлимининг катта референти Солия Эргашевна **Иброҳимовага** «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи» фахрий унвони берди.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ: ИДЕОЛОГИЯ ИШИ ВА ҲАЁТ

КОЛЛЕКТИВ — ТАРБИЯЧИ

Партия ва ҳукуматимиз меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш ишига жиддий эътибор бериб келмоқда. Айниқса кишиларда меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш, ўзаро дўстлик, биродарлик, камтарлик каби ҳислатларни камол топтириш, коллективнинг тарбиявий ролини ошириш партия ташкилотларининг энг муҳим вазифаларидан бири қилиб қўйилди. КПСС XXIV съезди бу соҳадаги вазифаларни аниқ белгилаб берди. КПСС Марказий Комитетининг «Белоруссия партия ташкилотида идеология кадрларини танлаш ва тарбиялаш соҳасидаги ишлар тўғрисида»ги қарорида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XV пленуми ҳужжатларида ҳам ана шу муҳим масалаларга катта эътибор берилди. Пленум меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш борасидаги қатор муҳим масалаларни олға сурди. Шуларнинг бири — меҳнат коллективларининг тарбиявий ролини ошириш, меҳнаткашларни коммунистик эътиқод руҳида тарбиялаш масаласидир.

Коммунистик жамият сари дадил одим ташланаётган ҳозирги даврда инсон тарбияси, унинг ижодий ва ижтимоий фаолиятининг ривожланиб камол топишида меҳнат коллективларининг роли айниқса ортиб бормоқда. Ўртоқ Л. И. Брежнев Ўзбекистон ССРга Халқлар дўстлиги ордени топшира туриб: «Коллективнинг фикри, коллективнинг шу коллективдаги кишига таъсир ўтказиши кўпинча ҳар қандай расмий қарорлардан кўра кўпроқ натижа бериши мумкин», — деб таъкидлаган эди.

Коллектив — тарбиячи, коллектив — яратувчидир. Партиямизнинг улкан программалари ана шу меҳнат коллективларида амалга оширилади, коммунистик жамиятнинг моддий ва маънавий бойлиги шу коллективда бунёд этилади, коллектив янги замон кишисини шакллантиради ва камол топтиради. Шунинг учун ҳам ҳар бир коллективда тарбиявий ишларни муттасил кучайтириб бораш бошлангич партия ташкилотларининг асосий вазифаларидан биридир.

Областимизда ана шу ҳислатларни ўзида мужассамлаштираётган ажойиб меҳнат коллективлари кўп. Улар меҳнатда ҳам, ижтимоий ҳаётда ҳам, кўпчиликка намуна кўрсатиб келмоқдалар.

Янгиер қурилиш материаллари ва конструкциялари комбинати бошлангич партия ташкилоти (секретари Ўртоқ И. Кострюмин) ишчиларни коллективизм, ўзаро ҳурмат, ҳамдўстлик ва коммунистик эътиқод руҳида тарбиялаш йўлида бир неча йиллардан бери муттасил самарали иш олиб бормоқда. Бу ерда ажойиб анъаналар пайдо бўлди, коммунистик меҳнат коллективлари ва зарбдорларининг сафи тобора ўсиб бормоқда. Меҳнат шуҳрати кечаларини ўтказиб туриш одат тусига кирган. Бундай кечаларда комбинат ёшлари кекса ишчилар, меҳнат ветеранлари, Граждан ва Улуғ Ватан урушининг қатнашчилари ва бошқа машҳур кишилар билан учрашадилар. Ишчилар коллектив бўлиб саёҳатларга борадилар, оромгоҳларда бирга ҳордиқ чиқарадилар.

Комбинат партия ташкилоти қошида махсус лекторлар группаси ташкил этилган. Корхона раҳбарлари, партия, комсомол ва касаба союз ташкилотларининг етакчилари, актив жамоатчилар, «Билим» жамияти аъзолари ҳамда агитаторлар бу ишга жалб этилган. Улар иштирокида барча завод ва цехларда, бригадаларда лекциялар ўқилади, қизиқарли савол-жавоб кечалари ўтказилади.

Корхона партия ташкилотининг касаба союз, комсомол ҳамда бошқа оммавий ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб бораётган тарбиявий ишлари яхши самаралар бермоқда. Тўққизинчи беш йилликнинг ўтган тўрт йили давомида бу ерда меҳнат унумдорлиги 30 процент ошди, кўпгина бригадалар, ўнлаб ишчилар беш йиллик топшириқларини ошириб бажариб қўйишди, кадрлар қўнимсизлиги бутунлай барҳам топди.

Коммунист Муҳаммади Шойимқулов беш йилдан бери Боёвут район колхозларараро қурилиш бошқармасида бригада бошлиғи бўлиб ишлайди. М. Шойимқулов раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари ўртасида меҳнат интизоми мустаҳкамланди. Ўтган йиллар давомида бригадага янги киши қўшилса қўшилдики, аммо бирор киши ҳам бу коллективдан кетиб қолгани йўқ. Бригада аъзоларининг бир-бирига талабчанлиги, топширилган ишга нисбатан масъулияти ошди. Улар бир-бирига меҳрибон, иноқ ва биродар, оғир кунларида ҳам, енгил кунларида ҳам ўртоқларини сира ёлғиз қолдиришмайди, кайфурса ютатишади, қоқилса суяшади.

Қўриқ воҳада бундай ажойиб коллективлар оз эмас. Ховос локомотив депоси, Сирдарё ГРЭСи, «Малик» ва А. С. Пушкин номли совхозларнинг аъзолари ва хизматчилари ўз коллективлари билан ҳақли равишда фахрланадилар. Бу коллективларнинг маънавий қиёфасини белгилайдиган муҳитни вужудга келтиришда партия ташкилотларининг, коммунистларнинг, меҳнат илғорларининг роли каттадир.

Сўнгги йилларда область партия комитети меҳнаткашларни коллективизм, коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш масаласига эътиборни янада кучайтирди. Айниқса, жамоат ташкилотларининг фаолиятини активлаштириш, лекторлар, сиёсий докладчилар, сиёсий ахборотчилар ва агитаторларнинг ишларини янада жонлантириш борасида талайгина ишлар қилинди. Ҳозирги кунда областимизнинг ўзида идеология фронтининг тўққиз мингдан ортиқ жангчилари актив иш олиб бормоқдалар. Ўтган бир ярим йил давомида «Билим» жамиятининг аъзолари, жамоатчи лекторлар ҳамда партия, совет органларининг раҳбарлари коллективизм, коммунистик эътиқод ҳамда интернационал тарбияга бағишланган 1500 дан ортиқ лекциялар ўқишди, суҳбатлар ўтказишди. Айни кунларда областимизда 76 та маданият халқ университетлари, турли лекторийлар иш олиб бормоқда. Областдаги 50 дан ортиқ коммунистик меҳнат мактабларида жами тўрт мингдан ортиқ тингловчилар ўзларининг ижтимоий-сиёсий билимларини оширмоқдалар. Меҳнат коллективларида коммунистик онглилик, коллективизм, интернационализм ғояларининг қарор топиши ва мустаҳкамланиб боришида булар муҳим роль ўйнаши табиийдир. Ўтган йили 63 та қишлоқ ва посёлкада, 420 та меҳнат коллективида бирорта ҳам кўнгилсиз воқеалар, жиноий ишлар содир бўлгани йўқ. Аксинча, коммунистик меҳнат коллективлари, коммунистик меҳнат зарбдорларининг сафи янада кенгайди.

Меҳнат коллективларининг тарбиявий ролини ошириш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш соҳасида қувонарли натижаларни қўлга киритаётган бўлсак-да, лекин бу йўлда қилинадиган ишлар ҳали оз эмас. Баъзи коллективларда ҳамон прогулчилик, ноиноқлик, бир-бирини қадрламаслик каби иллат ва нуқсонлар онда-сонда бўлса ҳам учраб турибди. Оқибатда бу ерда меҳнат унумдорлиги ҳамон паст даражадалигича қолмоқда. Ишлаб чиқариш топшириқлари эса мунтазам бажарилмай келяпти. 7-қурилиш трести, 22-қишлоқ қурилиш трести, Гулистон шаҳар тикувчилик фабрикаси ҳамда бошқа баъзи коллективларни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. 7-қурилиш трестида сўнгги йилларда бир неча бор бошлангич партия ташкилотининг секретари ўзгарди. Аммо ташкилотдаги аҳволни эса ҳалигача дуруст деб бўлмайди. Область, шаҳар ва район партия комитетлари ана шундай коллективларда тарбиявий ишларни янада кучайтириш, оммавий-сиёсий ишларни шу кун талаби даражасига кўтаришни кун тартибига қўймоқдалар.

Кўриниб турибдики, қаерда коллектив соғлом ва аҳил бўлса, ўша ерда интизомсизлик, ишёқмасликка ўрин бўлмайди. Бундай коллектив аъзолари ҳар қандай масъулиятли вазифанинг уддасидан чиқа оладилар, ҳар қандай қийинчиликларни бартараф қила оладилар. Шунинг учун ҳам ҳар бир коллективнинг жиплиги, ундаги соғлом муҳит, дўст-биродарлик ва иноқлик туйғуларининг қарор топиши учун изчил кураш олиб боришимиз. Бу йўлда сиёсий-тарбиявий ишларнинг синалган формаларидан кенг фойдаланиш билан бирга унинг янгидан-янги таъсирчан воситаларини топиб ишга соламиз.

М. УМБЕТОВ,
Ўзбекистон КП Сирдарё область комитетининг секретари.

ФАН ВА ҲАЁТ

БИОЛОГИЯ ВА ИРСИЯТ

Ўзбекистонда молекуляр биология ва молекуляр генетика ҳали айтарли ривож топмаган. Сўнгги йилларга қадар биологиянинг мазкур тармоқлари бўйича ушбу фанларнинг замонавий тараққиёт даражаси савиясида иш олиб бораётган лабораториялар йўқ эди. Шу соҳаларда ишлаётган юқори малакали мутахассисларнинг сони ҳам озчиликни ташкил этарди.

1967 йилда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Биохимия институти ташкил этилганлиги республикамизда молекуляр биологиянинг шаклланишида муҳим воқеа бўлди.

Институтимизнинг профессор Д. Сохибов ва биология фанлари кандидати В. М. Сорокин раҳбарлик қилаётган энзимология лабораториясида Ўрта Осиёда учрайдиган илонлар заҳаридан нейротоксинлар, цитоксин ва бошқа физиологик актив моддалар ажратиб олинди, уларнинг структураси аниқланди. Бу ишлар назарий жиҳатдан ҳам, медицина амалиёти учун ҳам катта қизиқиш уйғотади.

Биофизика лабораториясида биология фанлари доктори, профессор Б. Тошмуҳамедов раҳбарлигида ҳужайра мембраналарининг функциясини ва фермент табиатли мембрана оксилларини ўрганиш юзасидан қизиқарли тадқиқотлар бажарилмоқда.

Институтнинг нуклеин кислоталар лабораториясида ғўзанинг қишлоқ хўжалик зараркунандалари ва касалликларига турлича чидамликдаги ҳар хил нав ва турларнинг бир-биридан генетик фарқларини аниқлаш бўйича текширишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, ғўза ўсимлиги билан уни касаллантирувчи патоген ўртасидаги ўзаро таъсир (муносабат) механизми ўрганилмоқда.

Масалан, ғўзанинг вертициллёз вилти касаллигини ўрганишда молекуляр биологиянинг усулларидан фойдаланиш бир томондан, бу касалликка дучор бўлган ғўза ҳужайраси ичидаги қатор структуралар фаолиятининг бузилишини очиб бериш имкониятини берган бўлса, иккинчидан, турли ғўза навларининг патогенга нисбатан чидамлилик даражасини тезкорлик билан диагностика қилиш усулини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Бу усул сермаҳсул, зараркунанда ва касалликларга чидамли ғўза навларини танлаб олиш ишини осонлаштиради.

Ғўзада вилт касаллигини келтириб чиқарадиган замбуруғларнинг патогенлик даражасини ва турли ғўза навларининг бу касалликка чидамлилигини тез аниқлаш усулини ишлаб чиқиш фақат назария учунгина эмас, балки амалиётда ҳам катта аҳамиятга эга. Аввалдан шу мақсадлар учун ишлатиб келинаётган усуллар эса кўп вақт ва меҳнат сарф қилишни талаб этади.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, медицинада, химия ва микробиология саноатида молекуляр биология, молекуляр генетика ғоялари ва усулларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Молекуляр биология ва генетиканинг ютуқлари селекция ишларининг янги йўлларини ишлаб чиқишга, ўсимлик ва ҳайвонлардаги генлар тўпламини (ирсият белгиларини) ўзгартириш йўли билан уларда фойдали хусусиятларни келтириб чиқариш имкониятларини яратишга ёрдам беради.

Медицинада иммунитетнинг ҳужайра ва молекуляр асосларини ўрганиш тўқималарнинг бир-бирига мос келмаслик муаммосини ҳал этишга олиб келиши ва хирургиянинг ривожланишига кенг истиқбол очиб бериши; генларнинг молекуляр структуралари ва генетик структуралар ҳосил қилиш йўлларини билиш эса ирсий касалликларни даволаш ва тўқималарнинг ўлиш сабабларини аниқлаши мумкин.

Молекуляр биология ва генетика ютуқлари микробиология учун ҳам, катта аҳамиятга эга. Микроорганизмлар генетикасини билиш натижасида уларнинг генетик активлигини маълум йўналишда ўзгартириш, аминокислоталар, витаминлар, антибиотиклар, физиологик актив препаратларни кўплаб ишлаб чиқарувчи янги формаларни яратиш имконияти туғилади.

Олимларимизнинг амалий тадқиқотларига караганда, лаборатория шароитида гидропоника усули билан ўстирилган ғўзадан гектарига ҳисобларанга 150-200 центнердан пахта ҳосили олинган. Маълумки, табиий шароитда пахтадан олинадиган ҳосил 50 центнергача бўлиши мумкин. Бундан ташқари, масалан, ғўзанинг баъзи ёввойи турлари бизнинг шароитимизда фақат сунъий қисқартирилган ёруғлик кунидагина ҳосил беради. Нормал ёруғлик шароитида қолдирилган ғўзалар эса ҳосил бермайди.

Организмларнинг авлодлари ўртасида моддий ва функционал ворислик ирсият туфайли содир бўлади. Шу сабабли бир авлод иккинчи авлод билан алмашганида тирик материя узлуксиз давом қилаверади.

Ҳозирги пайтда Биохимия илмий-тадқиқот институти нуклеин кислоталар лабораториясида ғўзанинг ҳар хил навларидаги нуклеин кислоталарнинг тузилиши ва уларнинг функцияси чуқур ўрганилмоқда. Вилт касаллигини чақирувчи замбуруғларнинг нуклеин кислотасини чуқур ўрганиш асосида ўсимликларни ҳимоя қилиш институти билан ҳамкорликда оригинал усул ишлаб чиқилди. Бу усул орқали ғўзаларнинг қайси нави неча процент вилт касаллигига учрашишини аниқлаш мумкин. Янги усул молекуляр биология ва молекуляр генетика назариясига асосланган.

Молекуляр биология ва молекуляр генетика проблемасини ҳал қилишда Тошкент ғўза селекцияси ва уруғчилиги институти, СоюзНИХИ, Тошкент қишлоқ хўжалик, ўсимликлар экспериментал биологияси институтлари билан ҳамкорликда ўсимликларнинг ирсий белгилари, ҳар хил касалликларга чидамлилиги ва бошқа бир қатор проблемалар чуқур ўрганилмоқда.

А. ИБРОҲИМОВ,
Биохимия илмий-тадқиқот институти нуклеин кислоталар лабораторияси бошлиғи, биология фанлари доктори, профессор.

КОМИТЕТ ЯНА ИШГА КИРИШДИ

ЖЕНЕВА. (ТАСС). Бу ерда қуролсизланиш комитети яна ишга киришди. Бу йил комитет составига яна беш янги аъзо — Германия Демократик Республикаси, Германия Федератив Республикаси, Эрон, Перу, Заир республикасининг вакиллари қўшилди ва эндиликда унинг ишида ўттиз давлат қатнашмоқда.

Биринчи мажлисда сўзга чиққан комитет ҳамраиси СССР вакили А. А. Рошчин айтдики, комитет составининг кенгайиши жаҳондаги кўп давлатлар қуролсизланиш проблемасига катта эътибор бераётганлигини ва улар бу проблемаларни ижобий ҳал этиш учун актив ёрдам беришга интилаётганлигини кўрсатди.

Комитетнинг сессияси, деди совет делегациясининг бошлиғи, кейинги йилларда кескинликни юмшатиш ва турли ижтимоий ва социал системадаги давлатлар ўртасида тинч ҳамкорлик соҳасида олға қараб катта қадам қўйилган бир вазиятда очилмоқда.

Қуролсизланиш комитетининг мажлисида АҚШ, ГДР, ГФР ва Мексика вакиллари ҳам сўзга чиқдилар.

П. Э. ТРЮДОНИНГ АЙТГАНЛАРИ

БОННН, 5 март. (ТАСС). Канада бош министри П. Э. Трюдо бу ерда ўтказилган матбуот конференциясида гапириб, Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишлаб Женевада давом этаётган кенгашда «олға қараб анча катта қадам қўйилди» деб таъкидлади. Шу сабабли, деди у, кенгашнинг учинчи, якунловчи босқичини ўтказиш масаласи кун тартибига қўйилмоқда. Канада, деди П. Э. Трюдо, кескинликни юмшатишнинг сиёсий ва ҳарбий жиҳатларига катта аҳамият беради.

Трюдо шу жумладан, канцлер Г. Шмидт билан ва Германия Федератив Республикасининг бошқа раҳбарлари билан суҳбатларида хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг бориши тўғрисидаги масалани муҳокама қилганлигини айтди.

АМЕРИКА — ЭРОН МУЗОКАРАЛАРИ

ВАШИНГТОН, 5 март. (ТАСС). Эрон билан АҚШ беш йил муддат ичида ҳар иккала мамлакат ўртасидаги савдо-сотиқнинг умумий ҳажмини 15 миллиард долларгача етказиш тўғрисида келишиб олди. Қўшма Штатларнинг Эрон нефтини харид қилиши билан боғлиқ бўлган ҳисоб-китоблар бундан мустаснодир.

Иқтисодий ҳамкорлик юзасидан Америка — Эрон комиссиясининг сессияси тугаганидан кейин бу ерда эълон қилинган қўшма ахборотда айтилишича, Эронда жами қуввати 8 минг мегаваттга борадиган бир қанча атом электр станциялари ва порт қуришда ҳамда жами қиймати 12 миллиард доллар бўлган бошқа лойиҳаларни амалга оширишда АҚШнинг иштирок этиши кўзда тутилади.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

АФҒОНИСТОН — СОВЕТ ДЎСТЛИГИ КЕЧАСИ

КОБУЛ, 5 март. (ТАСС). СССР билан Афғонистон ўртасида маданий ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланганлигининг 15 йиллиги муносабати билан бу ерда Афғонистон — Совет дўстлиги кечаси бўлиб ўтди.

Кечада СССР билан дўстлик ва маданий алоқа Афғонистон жамиятининг президенти, Афғонистон республикаси маориф министри А. Қаюм нутқ сўзлаб, Совет Иттифоқи билан Афғонистон ўртасида жуда кенг миқёсдаги дўстона муносабатлар маъжуд эканлигини таъкидлади. Иккала мамлакат халқлари ўртасида бундан ярим аср мукаддам пойдевори барпо этилган дўстлик мустаҳкам ва бузилмасдир, деди у.

Совет Иттифоқининг Афғонистонга бераётган бегараз ёрдами, деди сўзини давом эттириб министр, бизнинг қўшни мамлакатларимиз ўртасида дўстона муносабатлар мавжуд эканлигини кўрсатувчи ёрқин далиллардан биридир. Афғонистон халқи совет мутахассислари бизнинг мамлакатимизда зўр ғайрат билан ишлаётганлигини кўриб турибди. Биз уларнинг ёрдами билан республика экономикасини юксалтиришга имкон берувчи жуда кўп объектларни барпо этдик. Афғон ёшлари Совет Иттифоқида таълим олиш имкониятига эга.

А. Қаюм сўзининг охирида самимий дўстлик ва ҳар томонлама ҳамкорлик муносабатлари келажакда ҳам муваффақиятли ривожланади ва мустаҳкамланади, деб ишонч билдирди.

ХАЛҚАРО ХОТИН-ҚИЗЛАР ЙИЛИ ДОИРАСИДА

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг штаб-квартирасида халқаро хотин-қизлар йили доирасида жаҳон конференциясини ўтказишга тайёргарлик билан шуғулланувчи маслаҳат комитети ишга киришди. Кун тартибига мувофиқ, хотин-қизларнинг ҳуқуқий жиҳатдан тўла тенглигини таъминлаш ва уларнинг жамиятдаги ролини оширишга қаратилган миллий ва халқаро тадбирлар плани лойиҳаси кўриб чиқилади.

Комитет Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг резолюциясига мувофиқ ва БМТ 1975 йилни халқаро хотин-қизлар йили деб эълон қилганлиги муносабати билан БМТга аъзо бўлган 23 мамлакат вакилларидан иборат таъсис этилган эди. Комитет қараб чиқаётган тадбирлар планининг лойиҳаси БМТ секретариати томонидан ишлаб чиқилди ва шу июнь-июль ойларида Мехикода ўтказиладиган жаҳон конференциясида тасдиқланиши лозим.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош секретарининг социал ва гуманитар проблемалар билан шуғулланувчи ёрдамчиси Хелви Сипиля комитет мажлисини очиб, хотин-қизларнинг аҳволи ва инсоният учун муҳим бўлган тинчлик ва халқаро хавфсизликни мустаҳкамлаш, иқтисодий тараққиёт, мамлакатлар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш каби вазифаларни ҳал этиш бир-бири билан маҳкам боғланганлигини уқтириб ўтди.

ЛОНДОН. Англия пойтахтидаги Жанубий Африка Республикаси ваколатхонаси олдида намойиш бўлиб ўтди. Намойиш қатнашчилари ЖАРнинг таниқли сиёсий арбоби, шу мамлакат коммунистик партиясининг аъзоси Брам Фишер ва Жанубий Африкадаги барча сиёсий маҳбусларнинг озод этилишини талаб қилдилар. Суратда: ЖАР ваколатхонаси олдидаги пикетчилар.

ЮПИ—ТАСС фотоси.

АНГЛИЯДА ИҚТИСОДИЙ ҚИЙИНЧИЛИКЛАР

ЛОНДОН, 5 март. (ТАСС). Англияда пулнинг қадр-қиммати тобора тушиб кетмоқда. Агарда биз буни ўз назоратимиз остига олмасак, деди Буюк Британия бош министри Г. Вильсон телевидение орқали сўзлаган нутқида, мамлакатнинг иқтисодий аҳволи янада оғирлашади.

Г. Вильсон ўқтириб ўтдики, Англия тўлов балансидаги дефицитни қоплаш учун ўз товарларини экспорт қилишдан ҳали ҳам жуда кам даромад олмоқда.

Англиянинг «Умумий бозор»да иштироки тўғрисидаги масалага тўхталиб, бош министр Буюк Британиянинг Европа иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиш шартларини қайтадан кўриб чиқиш тўғрисидаги музокаралар март ойи охиригача ўз ишини тамомласа министрлар кабинети лейбористлар партияси конференциясининг ўтказилишини кутиб турмасданоқ, янги шартларнинг мамлакат учун мақбул ёки мақбул эмаслиги хусусида қарор қабул қилиши мумкин, деди.

Лейбористлар ҳукумати деб таъкидлади Г. Вильсон, Англиянинг «Умумий бозор»да иштирокига нисбатан таҳдид қилувчи шартлар қўйилганлигидан бутунлай норозидир. Консерваторлар ҳукумати эса, шу шартларга илгари рози бўлган эди.

ЖУРНАЛЛАРНИНГ ЯНГИ СОНЛАРИДА

«МУХБИР» — «КОРРЕСПОНДЕНТ»

Журналнинг февраль ойи сони босмадан чиқди. У «Ҳар бир жасоратда — галаба шуъласи» сарлавҳали бош мақола билан очилган. Ўзбекистон Компартияси биринчи съезди эллик йиллигига бағишлаб кекса журналист Ж. Бойбулатовнинг хотиралари, Акмал Икромовнинг съездда сўзлаган нутқи босилган. «Еш ленинчи» газетасининг 50 йиллигига бағишлаб бир қатор материаллар журнал саҳифаларида ёритилган.

«Мухбир» журналининг иккинчи сонида яна «Сиртқи летучка» давом эттирилиб «Ферганская правда» газетаси хатлар бўлимининг мудири Ю. Ефимовнинг «Ватанпарварларни тарбиялаймиз», А. Ҳўжаевнинг «Ватанга садоқатликка қасамёд» сарлавҳали мақолалари босилган. «Юбиляримиз» рубрикаси остида ёзувчи Назир Сафаров туғилган кунининг 70 йиллигига доир «Жангчи журналист», «Тажриба. Ташаббус» рубрикаси остида Тошкент Олий партия мактабининг тингловчиси П. Волковнинг «Сайёр редакция пахта даласида», «Телевидение. Радио» рубрикаси остида А. Каримовнинг «Радио эшитгиришлар дурдонаси» сарлавҳали мақолалари ўрин олган. Журналда Наманган район «Ўчқун» газетасида социалистик мусобақа мавзуи»да обзор, Самарқанд район «Шарқ тонги» газетасининг масъул секретари А. Муҳамадалиевнинг газетанинг тарбиявий ва ташкилотчилик роли ҳақида «Масъулият, талаб ва иштаклар», шунингдек Тошкент фармацевтика институтининг «Провизор» деворий газетаси ҳақида мақолалар босилган. Журналнинг навбатдаги анкетасига «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали бош редакторининг ўринбосари В. Шапавалов жавоб қайтарган. «Ишчи-деҳқон мухбирлар университети»нинг навбатдаги машғулоти хабар жанрига бағишланган. Журнал республикамиз ҳаётига доир фотодавҳалар билан безатилган.

МАХФИЙ АЛОҚАЛАР

ХАЛҚАРО МАВЗУДА

Перу Компартияси Лимада февраль ойининг бошларида Хуан Веласко Альварадо ҳукуматига қарши полиция айрим бўлинмаларининг контрреволюцион кучлар томонидан режалаб қўйилган чиқишларини таҳлил қилиб чиқиб, яқинда эълон қилган ахборотида бу мудҳиш воқеаларнинг юзага келишида АҚШ Марказий разведка бошқармасининг қўли борлигини, шунингдек АПРА реакцион партиясининг фаол иштироки аниқ сезилиб турганлигини таъкидлайди. Бу чиқишлар контрреволюциянинг фашист эскалацияси томонидан олдиндан режалаб қўйилган хатти-ҳаракати сифатида баҳоланди. Перудаги бошқа кўпчилик сиёсий ташкилотлар ва касаба союзлар ҳам айнан шундай фикрни ўртага ташламоқдалар.

Гарчи АПРА бу фитнада иштирок этганлигини оғизда рад этса ҳам, кўпдан-кўп фотографиллар, қамоққа олинган фитначиларнинг айтишларига қараганда бу майда буржуа реформистлар ва контрреволюционерлар партияси троцкийчи ва маоchи группалар билан тил бириктириб, ҳукуматга қарши намойиш уюштиришган ҳамда «Коррес» газетаси редакцион биносига ўт қўйишда иштирок этишган. Албатта шу қабиҳликларда Марказий разведка бошқармасининг бевосита қўли йўқ, бироқ, уларнинг азалий алоқаси бу ишларга раҳнамолик қилганлиги очиқ кўриниб турибди.

Ана шу муносабат билан ўтган йили АҚШ давлат департаменти томонидан эълон қилинган бир ҳужжат алоҳида диққатни жалб этмоқда. Бунда 30-йилларда АҚШнинг Латин Америкасидаги дипломатик фаолиятлари тўғрисида гап боради. Лимадаги Америка элчихонасининг ҳисоботлари ҳам АПРА раҳбарлари ҳар доим АҚШнинг маҳфий идоралари вакиллари билан учрашиб турганлигидан далолат беради. Демак, ўша вақтлардан буён бу «маҳфий» алоқалар кейинги йилларда ҳам мунтазам равишда давом этиб келган. Хўш, шундай экан, бу гал ҳам Марказий разведка бошқармаси билан АПРАнинг ўзаро тил бириктирганлигини рад этиб бўлармикин?

Перу ҳукуматига қарши контрреволюцион ҳаракатлар олдиндан анча пухта режалаб қўйилган эди. Лимада чиқадиган «Экспрессо» газетасининг шарҳловчиси Франсиско Монклоанинг хабар беришига қараганда, Американинг «Бранифф» авиакомпанияси контрреволюция ҳуружидан анчагина аввалроқ Лимага учадиган самолётларга билет сотишни тўхтатиб қўйган. Бу компаниянинг баҳонаси бўйича Хуан Веласко Альварадо ҳукумати давлат тўнтариши туфайли ҳокимият тепасидан олиб ташланган эмиш. Шу борадаги яна бир далил кишилар эътиборини жалб этади. Контрреволюцион ҳуруждан аввалроқ Лимага жуда кўп чет эл журналистлари келиб, гўё муҳим бир хабарни ёритиш учун ошиқишар эди. Шунда Чилида чиқадиган «Меркурио» газетаси гўё Перуда ҳукм сураётган қандайдир тартибсизликлар ҳақида ва Альварадо ҳукуматининг «емирилиши» тўғрисида бир қатор хабарлар босиб чиқарди. Лимадаги «Пренса» газетаси ўша пайтларда қуйидагиларни ёзган эди: «Кўпчилик унча ишонмаган воқеа ниҳоят содир бўлди. Баъзи бировлар марказий разведка бошқармаси тўғрисидаги гапларни боболарга айтиладиган бир эртак деб ҳисоблашган эди. Бундай одамлар эндиликда АПРА активистлари билан ҳалқаро реакциянинг бирлигида амалга оширган ваҳшиёна ҳужумининг гувоҳлари бўлиб қолдилар».

Бироқ, «Чиличасига тўнтариш ясаш»га бўлган уриниш барбод этилди. Ҳарбийлар ҳам, аҳоли ҳам реакцияни мутлақо қўллаб-қувватламади. Перу меҳнаткашлари ҳукумат билан бирдам эканликларини билдириб, уни контрреволюционерлар ҳужумидан мардона ҳимоя қила олдилар. Тўрт миллион Перу аҳолисини ўз ичига олган турли хилдаги ташкилотлар, шу жумладан энг катта ва таъсирли деҳқон ташкилоти ҳисобланган Миллий қишлоқ хўжалик конфедерацияси, шунингдек, меҳнаткашларнинг умумий конфедерацияси ягона комитет тузиб, мамлакатда ўтказилаётган социал-иқтисодий ўзгаришларни мардона туриб ҳимоя қилишга эришдилар.

Г. ВАЛЬКАРСЕЛЬ.
АПН мухбири.

УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Янгиер қишлоқ Советида янгича маросимларни ўтказиш комиссияси ташаббуси билан уч авлод вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда Улуғ Ватан уруши ветеранлари, шунингдек, колхозлар ва совхозларнинг ишлаб чиқариш илғорлари, мактабларнинг ўқувчилари қатнашдилар.

Улуғ Ватан урушининг иштирокчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, «Учқўрғон» совхозининг бўлим агрономи Комилжон Мирзараҳимов, шу совхознинг ишчиси Ортиқбой Ҳасанов, 30-мактаб директори Набижон Олимовлар йиғилганларга ўзларининг ўша оловли йиллар ҳақидаги жанговар хотираларидан сўзлаб бердилар.

Учрашув охирида 30-мактаб бадиий ҳаваскорлари йиғилганларга концерт қўйиб берди.

ЯНГИ ФЕРМА

Район колхозлараро қурилиш бошқармаси колхозларда кўплаб маданий, маиший, турар-жой ва хўжалик бинолари қурмоқдалар. Яқинда улар кучи билан «Ленинград» колхозида товуқхона фойдаланишга топширилди. Барча қулайликларга эга бўлган парандачилик фермасида 5 мингта товуқ боқиляпти.

Ҳ. ТУРСУНОВ,
Учқўрғон райони.

БЕШ ЙИЛЛИК МАРДУ МАЙДОНЛАРИ

КОРХОНА ВЕТЕРАНЛАРИ

Яқинда умрдошлар Ўғилой ва Ҳосил Тўғоновлар ҳаётида қувончли воқеа рўй берди. Тошкент кабель заводи маъмурияти ва касаба союз комитети уларга «Корхона ветерани» гувоҳномасини топширди. Унда қуйидаги сўзлар бор:

«Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент кабель заводи дирекцияси, партия ва касаба союз комитети сизни «Завод ветерани» деган ном билан қутлайди. Сиз бунга заводдаги ҳалол ва кўп йиллик меҳнатингиз, ишлаб чиқаришда илғор, прогрессив усулларни жорий қилганлигингиз ҳамда ўзингизнинг бой тажрибангизни ёшларга ўргатганингиз туфайли эришдингиз.

Сизга меҳнатда янги муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик ва узоқ умр тилаймиз».

Бу бахтга Ҳосил ака осонликча эришмади. Мана, ўттиз уч йилдирки, у корхона резина цехида ишлаб келмоқда. Шу давр мобайнида ялангликка ўрнида боғ-роғли корхона шаҳарчаси тикланди. Мактаб, боғча, маданий ва маиший хизмат кўрсатиш муассасаларининг биноси, замонавий турар-жойлар қурилди.

— Доря Алаевга шогирд тушдим. У мендан вақтини, касби сирларини аямади. Бир ой ичида шогирдликдан мустақил ишлашга ўтдим. Баъзан устозим чарчаб қолганимни сезиб, бир оз дам ол, дер эди меҳрибонлик билан. Мен эса бунга кўнмасдим. Кўпчилик қатори ишлар эдим, — дейди кекса ишчи.

Ҳосил Тўғонов заводда ўз касбинигина эмас, балки ўз бахти: умр йўлдоши — Ўғилойни ҳам топди. Ўғилой Тўғонова умр йўлдошидан бир йил кейин, 1943 йили заводга ишга кирган. У билан ёнма-ён ишлади. Ниҳоят улар тақдирларини бир-бирига боғлашди. Мана, ўшандан буён кўп вақт ўтди. Икки ўғил ва бир қизли бўлишди. Фарзандлар мутахассис бўлиб чиқишди. Тўнгич ўғли Комил — геофизик инженер, у Ўрта Осиё нефть саноати илмий-тадқиқот институтида ишламоқда. Толиб механик инженер. Шоҳида 5-ҳунар техника билим юртининг сўнгги курсида тикувчилик касбини ўрганмоқда.

Ўттиз йилдирки, Ўғилой Тўғонова билан Ҳосил Тўғонов ҳар куни жонажон корхона дарвозасидан ўтиб, гулзор йўлкалар орқали озода, ёруғ цехга киришади. Корхонанинг 30-цехи. Резина худди ҳамирдек қорилади. Ҳосил Тўғонов бошчилигидаги бригадада одам унча кўп эмас — уч киши, холос. Бригада аъзоларидан Одил Камолов резина қоришмасини тайёрлайди. Бригада бошлиғининг ўзи қоришмадан кабель қопламалари ишлаб чиқаради. Ўғилой эса тайёр маҳсулотларни қабул қилиб, бошқа цехга узатади.

— Резина қопламаларини тайёрлаш осон эмас, — дейди бригада бошлиғи. — Лекин биз ҳамиша маҳсулотларни кам чиқим билан сифатли тайёрлашга ҳаракат қиламиз. Бригадамизга коммунистик меҳнат коллективи номи берилган.

Ҳа, Ҳосил Тўғонов ўз умр йўлдоши Ўғилой билан 32 йилдан буён шу цехда ҳамкорликда баракали меҳнат қилиб келаётир. Агар улар ишлаб чиқарган резина найчалари Ер қурраси атрофига тортилса, у бир неча минг марта айланиши мумкин.

Ҳосил Тўғонов бригадаси ўзининг беш йиллик планини аллақачон бажариб, ўнинчи беш йиллик ҳисобига ишламоқда. У ўнлаб шогирдлар тайёрлади. Эндиликда шогирдлари ҳам ўз устози билан елкама-елка ишламоқда. Ҳозир шу ерда бригада бошлиғи бўлиб ишлаётган Мираъзам Абдуллаев, ишчи Бўрибой Эрматов, Николай Всетановлар иш ўргатган устозлари Тўғонов билан ҳақли равишда фахрланишади.

Тўғонов ва унинг умр йўлдоши ҳалол меҳнатлари учун завод маъмурияти томонидан деярли ҳар йили қимматбаҳо буюмлар, дам олиш уйлари, санаторий, курортларга текин йўлланма билан тақдирланишади. Уларнинг кўксида «Шавкатли меҳнати учун» медали, «Коммунистик меҳнат зарбдори», «Социалистик мусобақа голиби» нишонлари порлаб турибди.

Корхона касаба союз ташкилоти бу илғор ишчиларнинг тажрибасини ёйиш тадбирларини кўрмоқда. Бутун корхона коллективи сингари Тўғоновлар ҳам КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан оширилган социалистик мажбуриятлар олиб, меҳнатда ғайрат ва ташаббус кўрсатиб ишламоқдалар.

Ҳ. ҲАКИМОВ.
Э. ТЎЛАГАНОВ.

Уйчи районидаги Тельман номли колхознинг илғор механизатори, ВЛКСМ аъзоси Матлуба Тўхтабоева коллективнинг ҳурматини қозонганлардан. У ўтган йили ўз машинасида 153 тонна «оқ олтин»ни йиғиб-териб олган бўлса, якунловчи йилда Матлуба бу кўрсаткични 200 тоннага етказиш мажбуриятини олган. Ҳозир ёш механизатор ўзига бириктилган техникани сифатли ремонтдан чиқариб, мавсумга шай қилиб қўйган.

Ушбу саҳифа жамоатчи мухбирлар материаллари асосида тайёрланган

Редакция почтасидан

КОМАНДИР БУВИ

(НОВЕЛЛА)

— Хў-ў-ш, — деди раис қўлидаги қирмизи пиёлани айлантириб, — шундай қилиб, тўй дегин, Қобилжон?

Қобилжон уялиб ерга қаради. Қирра бурнини тер босди:

— Шундай, раис бува...

— Мен сенга айтсам, — деди у чойни охиригача хўплаб, — тўй сеникида ҳам эмас, келинникида ҳам эмас, колхоз клубида ўтади.

Қобилжоннинг уйида тўй маслаҳатига йиғилганлар бир-бирига қараб, шивирлаб қолишди. Ташқарида бири деразадан, бири эшик тирқишидан гап «ҳидлаётган» ёшяланглар раиснинг бу сўзидан чапак чалиб юборишди.

— Яшасин, тўй клубда ўтадиган бўлди!

Қобилжон эсанкираб қолди. Шундай маърака устида отаси бўлмагани учун кўнглининг аллақаеридa оғир ҳасрат ётар, кечаден бери йигитнинг чеҳраси очилмасди. Раиснинг бу ҳиммати йигитнинг бошини кўкка етказди: отаси қайта тирилгандай бўлди. Кўзида йилтиллаб ёш айланди...

Раиснинг нигоҳи ҳамон Қобилжонда эди. Оталик туйғуси жўш уриб, унга меҳр билан тикилиб турарди:

— Биз, тириклар дадангнинг хотираси олдида ҳамиша қарздормиз.

Раис анчагина хомуш ўтирди. Энди кўзғалмоқчи бўлганди, Қобилжон сукунатни бузиб, деди:

— Тўйнинг клубда ўтишига бувим кўнармиканлар?

— Нега кўнмасинлар? — деди ўтирганлардан бири.

— Кампирга ўзимиз айтамиз, тушунтирамиз, кўндирамиз. Лекин, «командир» бувининг раъйига ҳам қараш керак.

Пойгакда елкасига сочиқ ташлаб, хизматга қўл қовуштириб турган кўнгиз мўйловли новча йигитга раиснинг «командир» дегани нашъа қилди:

— «Командир» буви дейсиз, кампири тушмагур фронтда ҳам бўлганми, раис бува? — деб сўради.

— Ҳа, фронтда ҳам бўлган! Фронт орқасида забардаст командир бўлган! — деди раис вазмин бир товушда. — Эҳ, болам, бу гаплар сенлар учун бамисоли бир афсона. Биз кексаларга эса ҳақиқат, аччиқ ҳақиқат! Райҳон бувининг далада қанақа ишлаганини эслесам, танам зирқираб кетади. Бригадирликни ўғли Саъдулладан тортиб олди, десам ҳам бўлади. Қулма, рост айтяпман. Ҳамма урушга кетиб бўлди. Колхозда ёш болалар-у хотин-халажлар қолди. Фронтга ўқ-доридай пахта ҳам зарур эди. Район билан гаплашиб, Саъдуллани вақтинча фронтдан олиб қолдим. Буни эшитиб Райҳон бувининг жазаваси тутди. Уғлини узиб-узиб олди: «Пахта ишини хотин-халаж ҳам қилади. Сен тенги йигитлар ҳозир урушда жон олиб, жон беряпти. Йигит бўлиб Гитлерга бас келмасанг, фашистни қирмасанг?! Мени уятга ўлдирдингку?!» Раҳматлик Саъдулла: «Кўрдингизми, мени не куйга солиб қўйдингиз» дегандай, менга мўлтираб қараб турди. Уша кеча у йўлга тушди. Қизил эшелонга чиқариб, буви билан иккимиз қайтдик. Эртасига она ўғлининг ўрнига бригадир бўлди. Лекин уни ҳеч ким бригадир демасди, ҳамма: «Командир буви» деб чақирарди. Чунки, айтгани-айтган, дегани-деган эди. Ана шулар колхозни тишида тишлаб, олиб, вояга етказди.

Раис уйини меҳмон босганини қўшнисиникида эшитиб, халлослаб кириб келаётган Райҳон бувидан кўзини узмасди: «Саксон олти ёш, — ўйларди у, — бу забардаст инсон, эҳтимол, умрида саксон олти минг хил азоб-уқубатга кўксини қалқон, қўлини косов, сочини супурги қилгандир. Имон ва эътиқоди учун ҳар қанча заҳмат чекишдан қайтмаган, букилмас аёл бу!».

Райҳон буви раис билан саломлашди. Раис югуриб келиб унинг қўлини олиб кўзига суртди, тўй билан қутлади. Кейин Қобилжоннинг ойиси Солия опани муборакбод қилди. Кампирнинг кўзи чарақлаб кетди.

— Раҳмат, азизларим, раҳмат!— деди икки қўлини кўксига босиб.— Сизни кўриб, болам, кўксим тоғдай бўлди. Саъдуллагинамни ўзингиз қизил вагонга чиқазиб узатгандингиз, эсингиздами? Яна ўзингиз неварагинамнинг тўйи устида уни кутиб оладиган бўлдингиз. Тўй кечаси болагинам, албатта, келади. Ишонинг, болам. Дарвозани кеча-кундуз очиқ кўяман. Келиб қолса, кўча-кўйда овора бўлиб юрмасин дейман-да!

Раиснинг вужуди жимирлаб кетди. Кўзларини бувидан яширди. Бўғзи бўғилиб қолди. Кўз ёшларини яширинча артиб, Қобилжонга, кейин онасига қаради: Солия опа пастки лабини тишлаб, йиғидан тўлиб турган бўлса-да, кўзларида умид учқунлари порларди...

Раис Қобилжон билан кўз уриштириб олди-да:

— Тўйни зўр қилиб ўтказадиган бўлдик, командир буви, — деди у, гапни мақсад томонга буриб. — Орден-медалларингизни тақиб, шайланиб... Клубга равона бўласиз...

— Ҳаммасини тақаман, болам,— деди Райҳон буви гапни раис оғзидан шартта юлиб, — аммо-лекин, сиз билиб қўйинг, тўйда кетез-тез Раҳминиса онани йўқлаб, унинг сермазмун ҳаётидан, ўтмиш воқеаларидан қизиқарли ҳикоялар эшитиб туришади.

Раҳминиса она ҳали бардам ва тетик. Қачон қараманг, бирорта юмуш билан бандлигини кўрасиз.

Қ. ТЎРАЕВ,
Уйчи районы.

БАҲОР ЭЛЧИСИ...

Б. Султонов фотоэтюди.

ТОШБУЛОҚ ЧИРОЙИ

Кўчанинг ҳар икки томонидаги чироқлар борлиққа ёғду сочади. Маданият уйи томондан дилрабо куй таралади. Кўча гавжум. Биров кинога, биров концертга шошади. Бу манзара худди шаҳар ҳаётини эслатади. Аслида, бу ер қишлоқ. Ҳа, Тошбулоқ қишлоғининг бугунги ҳаёти ана шундай.

Кейинги 4-5 йил ичида унинг қиёфаси таниб бўлмас даражада ўзгарди. Йўллар асфальтланди. Ариқларга темир-бетон ётқизилди, қирғоғига манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди.

Ҳозирги пайтда қишлоқ Совети асосий эътиборни қишлоқларни кўрнам-обод қилишга қаратяпти. Савдо, маданий-маиший хизмат нуқталари кўпайди. Айни пайтда 23 та магазин, 3 та клуб, 9 та кутубхона ва маиший хизмат комбинати аҳолига намунали хизмат кўрсатяпти. Биргина шу беш йиллик ичида 230 ўринли 7 та ясли ишга туширилди. 20, 21, 25-мактаблар учун қўшимча синфхоналар қуриб берилди.

Аҳолининг талаб ва истаклари асосида бирмунча ишлар қилинди. Жумладан, Тошбулоқ қишлоғи марказида Совет колхоз бозори очилди. «Наманган—Тошбулоқ» маршрути бўйича экспресс автобуси қатнови йўлга қўйилди.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг республикада хутор системасини тугатиш ва қишлоқ қурилишини янада кучайтириш тўғрисидаги қарори асосида бундан кейин ҳам бир қатор ишларни амалга ошириш планлаштирилган. Жумладан, бундан кейинги қурилишларнинг ҳаммаси бош план асосида олиб борилади. Экинзорлар ўртасидаги хонадонлар бирин-кетин қишлоқ марказига кўчириляпти. Бундан ташқари, ҳар бири икки қават бўлган 10 та турар-жой биноси қурилади.

Бу йил 23-мактаб учун 360 ўринли, кейинги йилларда эса 19-мактаб учун 640 ўринли қўшимча бинолар қурилади, 140 ўринли ясли ишга туширилади.

Қишлоқни ободонлаштириш юзасидан белгиланган тадбирлар катта. Бунда И. Раҳматов қишлоқ Совети ҳузуридаги депутат С. Солиев раис бўлган қурилиш ва ободончилик бўйича доимий комиссиясининг фаолияти ибратли бўлмоқда.

А. ТИЛАБОЛДИЕВА,
Наманган райони.

ТИНЧЛИК ФОНДИГА

«Голодностепстрой» бошқармасига қарашли Сирдарё «Промжилстрой» трести коллективи юбилей йилида қўлга киритган муваффақиятлар салмоқли бўлди. Ўн миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Трест қурувчилари Ховосда янги завод қурди. Қўриқ меҳнаткашлари юзлаб янги уйларда ҳовли тўйи ўтказдилар. 250 ўринли ёзги кинотеатр, 60 ўринли болалар касалхонаси ва минг ўқувчига мўлжалланган мактаб биноси ишга туширилди.

Трест коллективи ўртасида социалистик мусобақа кенг қулоч ёйганлиги натижасида бултур меҳнат унумдорлиги бурноги йилга қараганда 14 процент ортди. Беш йилликнинг тўрт йили топшириқларини муддатидан анча аввал бажариб қўйган 16 ишлаб чиқариш илғори республикамиз партия-ҳукуматининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди.

КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатидан руҳланган трест коллективи 1975 йил учун оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилди. «Миконд» заводи коллективи ватанпарварлик ташаббусини маъқуллаган хўжалик аҳли тинчлик фонди учун бир кун ишлаб беришга қарор қилди.

Н. КАЧКАЕВ,
Сирдарё области.

ШУ ҲАМ МУАММО БЎЛДИМИ?

Армияда бирга хизмат қилган белорус дўстим меҳмон бўлиб келди. Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини мириқиб томоша қилди, қайта тиқланган шаҳар жамоли, улкан қурилиш ишлари уни жуда ҳайратда қолдирди. Меҳмонни милий таомлар билан сийлаш мақсадида «Зангори гумбаз»га таклиф қилдим. Италянча қўшиқ янграб турарди. «Қайси куйни қўйсам экан: «Наво»нимми ёки «Муножот»ни. Ботир Зокировданми ёки «Қарғалар»нимми деган уй билан пластинкаларнинг узундан-узоқ рўйхатини синчиклаб кўздан кечира бошладим. Бироқ... мулзам бўлиб стол ёнига қайтиб бордим. Авзоимни кўриб А. Николаев «шунақаси ҳам бўлади» дегандек, кўзини қисиб қўйди.

Администратордан «Нега милий куй-қўшиқлар ёзилган пластинкалар йўқ» деб сўрасак, у киши «эй укажонлар, бу масалада трестдаги бошлиқларга айтавериб чарчадик» деб изоҳ берди.

Шаҳримизга келган ҳар бир киши «Зангори гумбаз»га кирмасдан кетмайди. Наҳотки, пойтахтнинг дилтортар жойларидан бири бўлган бу кафе учун бир неча дона пластинка олиш шунчалик муаммо бўлса?

А. АБДУМАННОБОВ,
студент.

Тошкент.

ҚАҲРАМОННИ ИЗЛАЙМАН

Улуғ Ватан уруши йилларида 25-гвардиячи дивизиянинг 78-гвардиячи ўқчи полкида хизмат қилган ўзбек жангчиси Нур Кенжаев энг жасур жангчи сифатида ном чиқарган эди. Бу жангчи 1945 йилда Ғалаба парадида қатнашиш шарафига муяссар бўлди.

Нур Кенжаев Воронеж, Харьков, Полтава, Мерефа шаҳарлари орқали жанг билан ўтди, Дубожари яқинида Днестрни кечиб ўтди, Руминия ва Венгрияда жанг қилди, урушни Чехословакияда тугатди.

Жангчи Кенжаев полкнинг отлиқ разведкасида эди, душманга қарши мардона, гвардиячасига жанг қилди. Лекин мен кейинчалик унинг адресини йўқотиб қўйдим. Жасур йигит Нур Кенжаевни билган кишилардан менга хабар қилишларини ўтиниб сўрайман.

Запасдаги генерал-лейтенант
А. ПОТЕМКИН,
Совет Иттифоқи Қаҳрамони.

«МАЙСАРАНИНГ ИШИ» УЙҒУР САҲНАСИДА

Олма отадаги Республика уйғур театри драматург Собир Абдулла, композиторлар Музаффар Муҳамедов ва Сулаймон Юдаковнинг «Майсаранинг иши» музикали комедиясини саҳналаштириб, ўз томошабинлари ҳукмига ҳавола этди. Асарни ёш режиссёр Шойим Шаваев саҳнага қўйди.

Г. МАРАЛБОЕВ.

Танқид бурчаги

ЎРГАНГАН КЎНГИЛ

Бултурдан буён Бектурди ўзгариб қолди. Буни дастлаб шоферлар пайқаб қолишди. Машинасида ишкал чиқиб қолган шофер секин механикнинг ёнига бориб зарур эҳтиёт қисмни сўрамоқчи бўлдими, Бектурди унинг муддаосини ўққандек терс қарайди. Эҳтиёт қисм отини эшитар-эшитмас қўл силтайди:

— Йўқ.

— Нега бўлмас экан шундай катта даргоҳда, «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг районлараро Урганч Савдо базаси деган номи бор, наҳотки топилмаса деювчи шофер балога қолади, механикдан.

Аксинча, «Бектурдибой, не қилсангиз ҳам шу ишни битказиб беринг, хизматингиз ерда қолмас» деган шофер унинг ҳожат чиқарувчи томирини топган бўлади.

— Мана бу қоғозга қўл қўй-да, керагини олиб кетавер. — дейди бундай «гапга тушунадиган» шоферларга механик оғзининг танобини қочириб, шофер ноилож у узатган ҳужжатга имзо чекади. Ҳужжатда шоферга асқотадиган 1—2 сўмлик эҳтиёт қисм билан бирга... бундан бешолти баравар зиёд бошқа эҳтиёт қисмлар олинганлиги қайд этилган бўлади.

Далилсиз гап тузсиз таом деганлар. Фактларга навбат берайлик. «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг ревизори Р. Матмуродов ўтган йили механик Б. Аҳмедовнинг иш фаолиятини тафтиш қилганида 52 сўм 21 тийин камомат лоп этиб чиқиб қолди. Буниси ҳолва экан. Олғир механик ҳужжатларни сохталаштириш йўлига ҳам кириб олган. Чунончи шофер А. Эшонова автомашина ричагини, 18 сўмлик 2 та эшикни ёзиб қўйган. Ҳолбуки шофер бечора уларни тушида ҳам кўрган эмас. Шоферлар Ҳ. Қуронбоев, Р. Худойшукуров, Р. Боязов ва бошқаларга ҳам катушка, ўриндиқ, тормоз суюқлиги, автомашина эшиги каби нарсаларни «олди» қилиб ҳужжатлаштириб қўяверганлиги фош бўлди.

Тўғри Б. Аҳмедов қилмишлари учун қисман жавоб берди. Орадан бир ой ўтгач у 194 сўм-у 07 тийин тўлаб, бу айбларини ювгандай бўлди. Лекин на маъмурият, на партия, касаба союз ташкилотлари механикка бундан бошқа жиддий чора кўришни ўйлаб ҳам кўришмади. Фақат тўрт ойдан кейин унга огоҳлантириш билан виговор берилди. Ваҳолонки, КПСС аъзоси, бунинг устига партия бюроси аъзоси Б. Аҳмедов жиноий ишга қўл урганлиги учун ўз вақтида партия ташкилоти олдида жавоб бериши керак эди. Бироқ бу фактга коммунистлар, биринчи навбатда партбюро секретари З. Нуруллаев (омбор мудири) ўта бефарқ қаради.

Урганган кўнгил ўртанса қўймас экан, орадан бир неча ой ўтказиб қор ёғиб излар босилди деб ўйлаган Бектурди яна бировларнинг ҳақини туя қилишни ўйлай бошлайди.

Шундай кезда унга янги кирган шофер Ҳайитбой Исмоилов илтижо қилади.

— Иним, барака топ, бир помпа керак бўлиб қолди. Топиб бермасанг ҳолимга маймунлар йиғлайди. Не олсанг ол.

— Ие, от билан туя бўлармиди, «қиттак» чўзинг, — дейди ҳожатбарор механик, — шундай қилиб шофер пулни нақд санаб бериб ундан помпани олиб машинаси ёнига қайтади. Шу пайт унинг қўлидаги помпани гараж мудири кўриб қолади ва суриштира бошлайди. Шофер бўлган гапни айтади. Бу фактни гараж мудири директор Қаландар Авазматовга етказади. Бу воқеадан «Узсельхозтехника» область бирлашмаси бошқарувчисининг ўринбосари Қ. Нуруллаев ҳам хабардор.

Базадаги машиналари ремонт қилинган шоферлар билан яккама-якка суҳбатлашиш ва ҳужжатларини синчиклаб кўздан кечириш механик Б. Аҳмедовнинг «олғирлик санъатини» пухта эгаллаб олганлигидан далолат бериб турибди.

Т. РАҲИМБОЕВ,
Урганч

БАДАВЛАТ АЁЛ

Жданов номли колхоз территориясида истиқомат қилувчи Раҳминиса Отабоева 112 баҳорни қаршилаяпти. Табаррук онахонинг фарзандлари, невара, чевара, эваралари уникига келганда бир уйга сиғмайди. Қишлоқнинг каттакичиги ҳам бу мўътабар аёлни ўз онасидек ҳурмат-иззат қилади. Тез-тез йўқлаб туришади.

Район марказидаги 1-, 6-ўрта мактабларнинг ўқувчилари ҳам

МОСКВАДА САМАРҚАНД ХИЁБОНИ

МОСКВА. Ватанимиз пойтахтидаги Вихино микрорайонида дастлабки уй-жойларга пойдевор қўйилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо, эндиликда бу ерда шинам уй-жойлар, янги муассаса, мактаб ва савдо марказлари бинолари қад кўтарган. Улар атрофини энг қадимий шаҳарлар номи билан аталувчи ҳиёбон ҳамда сайилгоҳлар қуршаб турибди. Ана шу микрорайонда Самарқанд ҳиёбони ҳам барпо этилмоқда. Ҳиёбонни бунёд этиш, безаш ва ростлаш ишларида Москва лойиҳачилари самарқандлик ҳамкасблари билан ҳамкорлик қилишмоқда. Рассом ва архитекторлар Самарқанд ҳиёбонида тикланган иморатда Шарқ услубига хос безаклар, ноёб ёдгорликлар андозасини эслатувчи сопол тахтача — «гишт»лардан кенг фойдаланишни тавсия қилдилар. Бу таклиф лойиҳачи ва қурувчиларга ҳам маъқул бўлди.

Қадимий афсоналарда тасвирланган бахт қуши — «Анқо» номли кинотеатр, анъанавий ўзбек меъморчилиги услубида тикланган чойхона, лагмонхона, кафелар Самарқанд ҳиёбонида ўзига хос манзара касб этмоқда. Бу ерга Урта Осиёдан чинор, мажнунтол ва бошқа манзарали дарахтлар келтириб ўтказилади.

Т. НАЗИРОВ,
«Совет Узбекистони» мухбири.

ҚАРДОШЛИК ТИМСОЛИ
●
САНЪАТ ОЛАМИДА
●
ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИДА
●
УСМИРЛАР КОМАНДАЛАРИНИНГ УЧРАШУВЛАРИ
●
ТАБИАТ ВА ИНСОН

«Шодлик» ансамбли бой ва ранг-баранг репертуари билан санъат ихлосмандлари диққатига сазовор бўлмоқда. Унинг қатнашчилари ССРдаги қардош халқларнинг рақс, қўшиқ ва куйларини маҳорат билан ижро этяптилар. Суратда: ансамблнинг бир гуруҳ дуторчилари ўзбек халқ қўшиқларидан бирини куйламоқда.

С. Маҳкамов фотоси.

НАФС БАЛОСИ

НОВОСИБИРСК БОЗОРИДАГИ ЧАЙҚОВЧИЛАР

22 февраль. Тонг палласи. Сибирь совуғи шаштида. Изғирин. Қор учқунламоқда. Шу паллада салобатли «ЗИЛ-131» машинаси Новосибирск шаҳрига кириб келди. Юкининг ниҳоятда оғирлигидан қор билан қопланган кўча бўйлаб аранг кетарди.

«ЗИЛ-131» Марказий бозор олдидан ўтди-да, Ермак кўчасига бурилди. 34 «А»—уйнинг кўш қанотли баҳайбат дарвозаси олдида уни бир йигит қаршилади. Дарвоза очилиб, машина аста ичкарига киритилди.

Автомашина атрофида гирди капалак бўлиб юрган уй эгаси Самарин номерига қаради: 52-13 ТНЗ.

— Тошкентники экан, — деб қўйди гулдираб.

Шофер Александр Прибитков ва унга ҳамроҳ бўлиб қарашиб келган Виталий Кулагинлар бирин-кетин кабинадан тушишди. Ниҳоятда ҳориб чарчашган эди.

— Тфу, ўн икки кун деганда аранг етиб келибмиз-а! — дарвоза олдида кутиб олган бояги йигитга ўқрайиб қараб қўйди Прибитков.

Прибитков билан Кулагинлар совуқдан жунжикиб, уйга киришди. Икки хонадан иборат бу жой олис жойлардан мева-чева олиб келадиган шахслар учун махсус ётоқхона экан. Улар шу ерда ҳафталаб яшашади, майхўрлик қилишади. Албатта, бунинг эвазига уй эгаси Самарин ҳам бирон нарсалик бўлиб қолади.

Прибитков ҳордиқ чиқариш учун ичкарига кирди-да, қатор турган каравотларнинг бирига чўзилди. Ҳамроҳи Кулагин эса иссиқ печка олдига стул қўйиб, қайноқ-қайноқ чой ича бошлади. Уларни қаршилаган йигит ташқаридан бир қучоқ ўтин олиб келдида, печкага қалаб юборди. Устидан кўмир ташлади. У бу уйдаги қайси нарсанинг қаерда турганини яхши биларди. Афтидан, бу хонадонга энди келиши эмасди.

«ЗИЛ-131» ўн икки кунлик сафарни қаердан бошлади? Иттифоқо, Прибитков ўз машинаси билан Тошкентдан Фарғона областининг Риштон районидаги «Сўх» совхозига бориб қолади. Унга дуч келган туршакфурушлар бир машина юкларини Новосибирск шаҳрига олиб бориб беришини сўрашади. Узоқ савдолашганларидан кейин нархига келишадилар. Прибитков қоп-қоп туршакни уста берк машинасига юклаб, ҳеч кандай ҳужжатсиз Тошкент шаҳригача олиб боради. Кейин «Узоргазналадка» махсус бошқармасидан 577 номерли йўлланма олади-да, Новосибирск қайдасан, деб йўлга чиқади. Йўл ҳақи учун кассага 335 сўм тўлайди. Наҳотки. Фарғонадан Новосибирск шаҳрига улкан юк машинаси ана шу эрзимаган ҳақ эвазига бориб келса?! Сарф бўладиган ёнилгисига ҳам арзимайди-ку! Прибитков аниқ одам эмас. Уй эгаси Самаринниг оғиз кўпиртириб айтишига қараганда, у бу хизмати учун 2500 сўм оладиган бўлибди.

«ЗИЛ-131» да келтирилган қуруқ мева тортиб кўрилди. 6308 килограмм экан. Шофернинг ҳаҳраси учиб кетди.

— Беш тонна деган эдиларингку! Машинам нега урилиб қолди, девдим-а!

Шофер боя ўзини карши олган йигит — Ориф Мирзаевга ўқрайиб қараб қолди. Йигит, Сўхда буни ким тортиб кўрибди, дегандек мулойимгина тураверди.

— Шунча туршакни қаердан олдингиз? сўраймиз Мирзаевдан.

— Боғимиздан, ака.

Мирзаев дарров «Сўх» совхози маъмурияти томонидан берилган бир справкани кўрсатди. Унда Мирзаевнинг 0,8 га томорқаси борлиги, томорқага ўрик, ёнғоқ экилганлиги қайд этилганди. Новосибирск шаҳрига Мирзаев ёнғоқ эмас, фақат туршак келтирган. 0,8 га боғдан ёнғоқ билан бир қаторда йилига 6 тоннадан зиёд туршак олиниши ақлга сиғмайди. Бунинг устига, 10 февралда ортилган юк учун берилган справка 17 февралда ёзилган экан. Буни қандай тушуниш керак?

Ориф Мирзаев яна ҳайрон бўлиб қолди. У қандай важ айтишни билмасди. Кейин аста сўзга кирди:

— Эй, акалар, бу туршаклар бир ўзимники эмас, Исмоилжон Мақсудов, Аҳмадали Каримов деган ҳамроҳларим бор эди. Мен Тошкентдан буёғига самолётда келдим. Улар поездда келишяпти.

— Биргаликда келаверсанглар бўлмасмиди?

Туршакфуруш Мирзаев ўзини қанчалик бегуноҳ қилиб кўрсатишга уринмасин, олис бир шаҳарга даста-даста пул орттириш мақсадида келгани сир эмасди.

Энди Ермак кўчасидаги 38-уйда истиқомат қилиб юрган икки шахс билан танишинг. Улар Фарғона область, Фарғона районидаги Миндон қишлоқ Советидан эканлар. Бири Аҳмаджон Қўчқоров, иккинчиси Ҳасанбой Асқаров. Қўчқоров, «Комунизм» колхозида механизаторлик қиламан, деди. Асқаров бўлса, баҳор келгач бирор ерда ишлармиз-да, деб юрган экан. Икковлари бир ёқадан бош чиқариб, тўрт тоннадан зиёд қуруқ мева олиб келишди. Узларининг айтишларича, шоферга 1700 сўм тўлашибди.

Мана, бир неча кундирки, Асқаров билан Қўчқоров Марказий бозорнинг гули бўлиб ўтиришибди. Бошқа ҳамюртлари ҳам улар сафига турнақатор тизилишган. Пул дардида савдо-сотиқни авж олдиришган. Бозорга кираверишдаги пештахта олдида бир қария ёнғоқ сотмоқда. Сўраб-суриштирсак, 72 ёшдалигини айтди. Исми Алижон, фамилияси Рўзиев экан. Бу одам асли Андижон областининг Андижон районидаги Охунбобоев номли қишлоқ советидан бўлиб, кўпдан буён ана шу ерда «тирикчилик» ўтказиб юрар экан. Сўраб-суриштирган одамларга 10219-номерли пенсия дафтарчасини кўрсатиб, мана мен кимман, дегандек бақрайиб тураверар экан. Давлатимиз, кексалик гаштини сурсин, деб унга бир миқдор нафақа ажратибди. У бўлса, нафс дардида тентираб юрибди. Нарироққа ўтамиз. Мирзиёд Мирҳусанов деган ўрта яшар бир киши узум сотиб турибди. Кўринишидан шу кунларда Тошкент шаҳри дўконларида сотилаётган узумга ўхшайди. Тошкентда унинг нархи бир сўмга етмайди. Мирҳусанов эса килограммини беш сўм деб турибди. Тошкент областининг Калинин районидан бўлган бу одам ўтган йили шу бозорда гулфурушлик қилган экан.

Бозордаги ерёнғоқфурушларнинг иши ҳам ёмон эмас. Кетмакет пуллаб туришибди. Ана шуларнинг бири Бўка районидаги «Бўка» совхозининг ишчиси Аҳмадали Абдуқаюмов экан. Тошкент—Новосибирск поезди билан олиб борган 300 килограмм молини шошилмай айтганига сотмоқда. Унинг нарирогида савдо қилаётган киши Маҳкам Ҳамроев бўлиб Ургут районининг Ғўс қишлоғидан эди.

— Магизни қанчадан сотяпсиз?

— Манавуниси 4 сўмдан, бунисси 5 сўмдан.

Новосибирск шаҳридаги Марказий бозорга республикамиздан кўплар келиб-кетишган. Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи Муаззам Абдувалиева, Шариф Эшмов, Рустам Қурбонов, Нурулла Исломов, Нурулла Комилов, Раҳима Тўлагановалар самолёт билан минг-минглаб гул-лола олиб келишган. Бозорни бошларига кўтариб мактаб, пуллашди. Ҳамшаҳарлари Ҳамидулла Жалолов, Абдулла Қосимов, Аҳмад Қосимов, Тўлаган Неъматов, Комилжон Умаровлар бўлса помидорфурушлик ва супургифурушликда ном чиқаришди.

Тошкент областининг Янгийўл районидаги баъзи кишилар Новосибирск бозорларида. айниқса, «фаоллик» кўрсатишибди. Мана, уларнинг баъзилари:

Аслонбой Зуфаров асли касби ўқитувчилик бўлган бу шахс ўтган йили 600 килограмм помидорни чаққон пуллаб кетди.

Облоқул Қўчқоров — тоғни урса талқон қила оладиган бу йигит минг дона бўлар-бўлмас супургини катта пулга сотиб жўнади.

Дарвеш Мамедов — Новосибирск шаҳрида танилган ёнғоқфуруш.

Найим Назаров, Роза Носирова, Раиса Фаҳриддинова — уччови помидорфурушлик майдонида жавлон уришди.

Андижон ва Фарғона областларининг Москва, Риштон, Бағдод, Қува районларидан Новосибирск шаҳрига бориб, бозорларда тентираб юрган яна талай пул бандаларини биламиз. Лекин улар ҳақида гапирмай қўя қолдик.

Ачинарли ери шундаки, республикамиздан минг километрлаб олисда бўлган шаҳарга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари олиб бораётган бундай шахслар биринчидан республикамиз, халқимиз шаънига доғ тушурмоқдалар, иккинчидан давлат транспортлари — пассажир поездлар, самолётлар, автомашиналардан шахсий манфаатлари йўлида бемалол фойдаланмоқдалар. Ўз молларини қиммат баҳода сотиб, одамларнинг нафратига сазовор бўлмоқдалар. Уларнинг мушукларини ҳали ҳеч ким пишт деяётгани йўқ. Бизнингча, чайқовчиларга шароит яратиб берадиган бундай қулайликка қатъиян чек қўйиш керак.

Новосибирск шаҳрига республикамиздан туршак сингари маҳсулотлар олиб борган баъзи кишилар билан суҳбатлашганимизда, улар бизга ҳаҳ қилиб қолишди:

— Кооп-торглар иши яхши йўлга қўйилган эмас. Томорқаларимизда етиштирилган маҳсулотларнинг рўзғоримиздан ортиқчасини уларга топширай десак, кўпинча сарсон бўламиз. Ҳа деганда қабул қилишавермайди. Қабул қилишганида ҳам ҳақ тўлашда ранжитишади.

Шамол бўлмаса, дарахтнинг шоҳи қимирламайди, деганларидек, уларнинг бу гапларида жон борга ўхшайди. Демак, жойларда кооп-торглар орқали деҳқонлардан маҳсулотлар ҳарид қилиш ишини яна ҳам яхшилаш керак. Шунингдек, район марказлари ҳамда шаҳарлардаги катта бозорлар қошида кооп-торглларнинг қабул пунктларини ташкил этилса, ёмон бўлмасди. Бозорларга ўз маҳсулотларини олиб келган деҳқонларнинг азиз вақтлари бекор кетмаган бўларди.

Р. ҒОЙИБОВ,
Л. БАҲРОМОВ,
Республика Ички ишлар министрлиги ходимлари.
У. ЮСУПОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.



Суратларда: 1. Бу узумфуруш Мирзиёд Мирҳусанов бўлади. Тошкент область, Калинин районида истиқомат қилади. 2. Фарғона районининг Миндон қишлоғидан келган Ҳасанбой Асқаров ўз молларини қўриклаб турибди. 3. Ургутлик майизфуруш Маҳкам Ҳамроевнинг бозори чаққон. 4. Риштон районидаги «Сўх» совхозидан келган Ориф Мирзаев 6308 килограмм қуруқ мевадан қанча фойда кўраркинман, деб ҳаёл суриб ўтирибди.

ХОНАДОНДА ҲАЙВОНОТ БОҒИ

Бокулик физиолог Евгений Гаузернинг хонадонида гриф ва чайка, тулки ва ёнут, бўрсиқ ва олмахон сингари етмиш хил парранда ва ҳайвон яшамоқда. Бу хонадонни ҳақиқий ҳайвонот боғи деса бўлади. Лекин бу ерда ҳайвон ва паррандалар ҳайвонот боғларидагига ўхшаб қамаб қўйилмаган. Эркин юришибди. Улар гўё бирга туғилиб ўсгандай, бир-бирларига ҳужум қилмасдан иноқ яшамоқдалар.

Гаузерлар хонадонидаги тўрт оёқли ва қанотли дўстлар ниҳоятда интизомли. Жониворларга ҳамиша Евгений Григорьевич Гаузернинг ўзи ва хотини Сима Исаевна қараб туришади. Уларнинг ёрдамчилари ҳам оз эмас, қўшиларнинг ўғил-қизлари уларнинг доимий кўмакдошларидир. Бу хонадондаги ҳайвонот боғини асосан ана шу болаларнинг ўзлари ташкил этганлар. Бундан бир неча йил илгари болалардан бири Каспий денгизи соҳилида қорамойга беланиб, қаноти синиб ётган чайкани топиб олди. У Сима Исаевнанинг зоология ўқитувчиси эканлигини эслаб, қушни уникига элтиб берди. Гаузерлар уни даволаб оёққа турғаздилар. Соғайиб кетган қуш уйга ўрганиб қолиб, бу ердан сира ҳам учиб кетгиси келмасди. Болалар ўшандан кейин ота-онасидан ажралиб чўлда қолиб кетган тулки болаларини топиб келишди. Табиат ошиқларига дўстлари ит, тўртта тўти ҳам совға қилишди. Қолган жониворларни эса Гаузерларнинг ўзлари сотиб олишди. Мана шундай қилиб хонаки ҳайвонот боғи юзага келди.

— Қўлимизда боқилаётган жониворлар овқат танлашмайди, — дея ҳикоя қилади Евгений Григорьевич, — нима тўғри келса ейишаверади. Болалар балиқ овидан қайтишаётганда чайка учун майда балиқчаларни ташлаб кетишади. Айрим пайтларда болалар билан биргалашиб парранда ва ҳайвонларга овқат тайёрлаймиз. Ҳамиша жониворларнинг кўнглини овлаб бўлавермайди, бироқ уларни томоша қилиб, овозларини тингласёганингизда жуда ҳузур қиласиз. Бизга улар дам олишда кўмак беради. Болаларнинг эса табиатга бўлган қизиқишини оширади.

Расим ОҒАЕВ,
АПН мухбири.
Боку.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00— МОСКВА. 17.05 — Ёшлар ижоди. 17.30 — Фигурали учиш бўйича жаҳон чемпионати. 19.00 — Халқаро хотин-қизлар куни 8 мартга бағишланган тантанали мажлис ва концерт. 24.00 — **«Вақт».** 00.30 Концерт. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 11.25 — ТОШКЕНТ. 11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — Телефильм. 12.25 — Ўқув кўрсатуви. 18.30 — Спорт кўрсатуви. 19.00 — Комсомоллардан ўрнак ол. 19.30 — Мусобақа, тажриба, ташаббус. 19.50 **«Ахборот»** 20.10 — **«Бўстон».** 21.20 — **«Ахборот».** 21.40 — Концерт. 22.00 — **«Замондас». УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 19.25 — ТОШКЕНТ. 19.30 — **Ая** (телефильм). 20.10 — Тошкент янгиликлари 20.25 — **Плюшчихадаги уч терак** (бадиий фильм). 21.40 — Тошкент ва тошкентликлар.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 7/III да **Аида**, 8/III да **Севилья сартароши** (кундузи), **Севги тумори** (кечқурун), 9/III да **Ойимқиз ва безори, Кармен-сюита.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/III да **Аяжонларим**, 8/III да **Иўқолган узук** (11.00, 15.00), **Оқшомдон тушгача** (кечқурун), 9/III да **Қароқчилар** (12.00), **Парвона** (кечқурун).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/III да **Ҳар хонадонда байрам** (18.00), 8/III да **Беш кунлик куёв** (18.00), 9/III да **Ҳар хонадонда байрам** (18.00).

КИНО

Ҳалоскорлик (3-4 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Менинг тақдирим — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛЛИГИ», «ВОСТОК», «ДРУЖБА», «ҚОЗОҒИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Аёл ҳақида қисса (жуфт соатларда), **Қайтиш йўқ** (21.45): — «ЧАЙКА».

Чинғачгук — аждарҳо — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Мавсумнинг ёпилиши — «КОМСОМОЛ 30 ИЙЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Бошсиз чавандоз — «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРИШ ИНЖЕНЕРЛАРИ ИНСТИТУТИ

Қарши филиалида ишлаш учун (Қарши шаҳри)
профессор-ўқитувчилар составидаги вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кафедра мудирлари: марксизм-ленинизм, физика-математика фанлари, умумий таълим фанлари, умумий техника фанлари (профессорлар, доцентлар);

кафедра доцентлари: КПСС тарихи, математика, химия, чизма геометрия ва чизмачилик, геодезия, металлар технологияси, рус тили;

кафедра катта ўқитувчилари: математика, геодезия, чизма геометрия ва чизмачилик, жисмоний тарбия, рус тили, металлар технологияси;

кафедра ассистентлари: КПСС тарихи, математика, химия, чизма геометрия ва чизмачилик, геодезия;

кафедра ўқитувчилари: жисмоний тарбия, рус тили.

Конкурсдан муваффақиятли ўтганлар барча қулайликларга эга бўлган уй-жой билан таъминланадилар.

Конкурс муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин:

Тошкент шаҳар, ГСП, Қори Ниёзий кўчаси, 39-уй, 130-хона.

●

Узбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлигининг

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

1975 йилга қуйидаги мутахассисликлар бўйича

АСПИРАНТУРАГА **ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун: енгил саноат машина ва агрегатлари, тўқимачилик материалшунослиги, экономика, енгил саноатни бошқариш ва планлаштиришни ташкил этиш;

ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун: енгил саноат машина ва агрегатлари, тўқимачилик материалшунослиги, тўқимачилик хомашёлари (пахта, шойи)га дастлабки ишлов бериш, тўқимачилик материаллари (пахтани йигириш, шойи технологияси, тўқимачилик, пардоз бериш ва бўяш) технологияси.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Горбунов кўчаси, 5-уй, телефон 53-09-01.

СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ СПОРТ ◆ СПОРТ ◆ СПОРТ

ДАЪВОГАРЛАР БЕЛЛАШУВИ

ШАХМАТ

Марказий «Пахтакор» стадионидаги республика шахмат клубида эркаклар ўртасида Узбекистон чемпионати бошланди. СССР халқлари VI спартакидасига пухта ҳозирлик кўришга хизмат қилувчи бу биринчиликда 6 та спорт мастери ва 10 та мастерликка номзод иштирок этаётир. Мусобақа қатнашчиларининг ҳаммаси терма команда аъзолигига даъвогарлик қилаётган шахматчилардир. СССР спорт мастери Александр Грушевский ҳозир 43 ёшда; бундан 26 йил муқаддам биринчи марта катта даврада курашган эди. У ўн мартача ғолиб чиққан, мамлакат шахсий команда биринчиликларида республика спорт шарафини улуғлашга жуда кўп ҳисса қўшган. Унинг энг яхши фазилатларидан бири — тахтада вужудга келувчи вазиятларга аниқ баҳо беришдир.

Евгений Борисович Мухинни гроссмейстерларнинг «кушандаси» дейишади. Мухин республиканинг атиги бир карра чемпиони бўлган бўлса-да, ажойиб комбинациялари, ўткир тактикавий зарбалари билан иттифоққа танилди. 1953 йили Ленинградда ўтказилган СССР команда биринчилигида ўз тахтасида биринчи ўринни олиши ҳаммани ҳайратга солган эди. Ҳозир республика терма командасига тренерлик қилаётган Мухин яқинда Ригадан муваффақият билан қайтди. «Буревестник» кўнгилли спорт жамияти марказий совети биринчилигининг ярим финалида иккинчи ўринни бўлишиб олиб, финалга чиқди. Тренер амалий ўйиндан ҳам четда қолгиси йўқ. Республика чемпионатида ёшларни амалий синовдан ўтказмоқчи.

Ўтган йилги чемпионатда иккинчи ва учинчи ўринларни ўзаро баҳам кўрган спорт мастери Марк Рудерфер билан Георгий Аъзамовлар бу гал чемпионлик учун қаттиқ бел боғлаганлардан. Мастерликка номзод Сергей Пинчук ўтган йили Душанбада ўтказилган юбилей турнирида ниятига етди. 31 ёшида СССР спорт мастери унвони учун қўйилган талабларни ортиғи билан бажарди. Айниқса назарий жиҳатдан билими пухта бу шахматчининг ҳар қандай натижа кўрсатишга қурби етади.

Кейинги йилларда ўтказилаётган республика чемпионатларида ҳамиша турнир жадвалининг юқорисидан жой олиб келаётган ёш, лекин тажрибали мастерликка номзодлар қўқонлик Хан, андижонлик Воронов, олмаликлик Аъзамов, самарқандлик Разваляев, тошкентлик Қаюмов ва Логиновлар мастерлар учун ҳам хавфли рақиб бўла оладилар. Ёш мастерликка номзодлар Рашид Зиёвудинов, Павел Богумил, Шаҳоб Ҳамроқулов, Александр Цамрюклар ҳам бўш келадиганлардан эмас. Масалан, самарқандлик Цамрюк ҳозиргача республика чемпионатларида қатнашмаган бўлса-да, қишлоқ шахматчиларининг ўтган йилги Бутуниттифоқ шахсий биринчилигида учинчи ўринни олишга, таниқли гроссмейстерлардан Ратмир Холмов билан Анатолий Лутиковларни ҳам енгиш шарафига муяссар бўлган қобилиятли ёш шахматчидир.

Бўлиб ўтган дастлабки 9 тур учрашувлари чемпионатда кураш беаёв ҳамда мазмундор бўлиши аниқлигини кўрсатди. Ҳозирча республика чемпони Л. Григорьян билан Е. Мухин пешқадамлик қилмоқдалар. Чемпионат уч ҳафта давом этади.

М. МУҲИДДИНОВ,
мусобақа бош судьяси.

ФУТБОЛ МАЙДОНЛАРИДА

ХАЛҚАРО ТУРНИР. Тошкент области стадионларида ўтказилаётган ўсмирлар турнирида ҳал қилувчи дамлар яқинлашяпти. Группа биринчилиги учун ўзаро кураш ҳам охирламоқда. Кеча «А» группасида СССР-1 —Польша ва ЧССР—Финляндия учрашувлари билан ўйинлар тугади. Бугун эса «Б» группаси командалари учрашувлари поёнига етади. Якшанба куни ҳар иккала группа коллективлари ўзаро курашга киришадилар. Қайси команданинг турнир ғолиби бўлиши ҳам шу куни ойдинлашади.

Утган куни «Б» группасида ўтказилган учрашувларда дарвозалар дахлсиз қолди. Чирчиқда «Сплав» стадионида Венгрия — СССР-2 командалари, Тўйтепадаги «Юбилей» майдонида ГДР — Узбекистон коллективлари куч синашдилар. Бу ўйинларда дастлабки учрашувда мағлубият аламини тортган Узбекистон командаси футболчилари бўш келишмай, қимматли очко учун астойдил куч сарфлаган бўлсалар, СССР-2, ГДР ва Венгрия ўсмирлари эса мавқеларини мустаҳкамлашга ҳаракат қилдилар. Натижада ҳар иккала ўйинда дарвозаларга тўп кирмай қолди. Бўлиб ўтган икки турдан кейин ўйинлар жадвали қуйидагича тус олди:

«А» ГРУППАСИ

	У	Ю	М	Д	Т	О
СССР-1	2	2	0	0	5—0	4
Польша	2	1	1	0	1—2	2
ЧССР	2	1	1	0	2—4	2
Финляндия	2	0	2	0	0—2	0

«Б» ГРУППАСИ

Венгрия	2	1	0	1	2—0	3
ГДР	2	0	0	2	1—1	2
СССР-2	2	0	0	2	1—1	2
Узбекистон	2	0	1	1	0—2	1

КУБОК ЭГАЛАРИ КУБОГИ. Европа совриндсрлиги учун курашда киевлик динамочилар дастлабки муваффақиятни қўлга киритдилар. Футболчиларимиз Туркиянинг «Бурсаспор» командаси билан ўйинда ягона тўп киритиш билан қўш очколи бўлиб қайтдилар. Тўпни Блохин ёрдамида Онишченко киритди. Такрорий ўйин 19 мартда Киевда ўтказилади.

ЧЕМПИОНЛАР КУБОГИ. Европа чемпионлари кубоги учун курашнинг чорак финалида Ереваннинг «Арарат» командаси Мюнхенда маҳаллий «Бавария» футболчилари билан учрашди. Ўйин мезбонлар фойдасига (0:2) ҳал бўлди.

СССР КУБОГИ. Мамлакат кубоги — биллур соврин учун беллашувлар 16 мартдан бошланади. Шу куни 1/32 финалда «Спартак» «Орджоникидзе» — «Металлист», «Металлург» — «Спартак» (Иванов-Франковск), «Памир» — «Спартак» (Нальчик), «Олга» — «Кубань», «Уралмаш» — «Шинник», «Кузбасс» — «Звезда», «Таврия» — «Рубин», «Нефтчи» — «Торпедо» (Кутаиси) командалари майдонга тушадилар. Кўрилиб турибдики, дастлабки учрашувлар биринчи лига вакиллари ўртасида ўтади.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ — Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 * ТЕЛЕФОНЛАР — Коммутатор — 330249 дан 330258 гача; Эълонлар — 338142

Р. 03265 — Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри. — ИНДЕКС 64583 — Б.—56.